




ХАСР



ЎЗБЕКИСТОН
СИЙОСИЙ
ГАЗЕТА

Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 22-SENTYABR, PAYSHANBA, 40 (672)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

САЙЛОВ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Uzreport" ахборот агентлиги ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш тўғрисида икки томонлама битимлар имзоланди.

Очиқлик ва ошкоралик – сайловнинг муҳим шарти

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимизда самарали сайлов тизими шаклланиши баробарида, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалганини таъкидлади. Аввалги сайлов кампаниялари мобайнида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш буйича катта тажриба тўпланди. Зеро, сайловларнинг очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик каби демократик тамойилларга мувофиқ ҳолда ўтказилишида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш буйича асосий тadbирлар дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнини кенг ёритди.

Тузилган битимлар сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлар ва сайлов жараёнини тартибга соладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини яхши йўлга қўйишга қаратилган. Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва сайлов қонунчилиги соҳасидаги олим ва экспертлар билан суҳбатлар уюштириш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш буйича асосий тadbирлар дастури ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари ҳақида жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилади. Сайлов кампанияси тўғрисида хорижий мамлакатлар давлат ва жамоат арбоблари, эксперт ва таҳлилчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоҳазалари билан мамлакатимиз аҳолисини доимий равишда таништириб бориш борасидаги ишлар самарали ташкил этилади.

Имзоланган битимларни амалга ошириш доирасида барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти изчил ёритиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун уларнинг сайловолди дастурлари қондаларини, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожланишининг муҳим масалаларига тааллуқли мустакил нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, шу жумладан, тенг ҳажмда эфир вақти ва нашр майдони ажратиш йўли билан кенг ва тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА (БРАЗИЛИЯ) БЎЛИБ ЎТГАН XV ЁЗГИ ПАРАЛИМПИАДА УЎЙИНИЛАРИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида Паралимпия ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида нуносиб иштироки, жасорат, матонат ва мardлик намунасини кўрсатиб, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 июлдаги ПҚ-2558-сон қарорига мувофиқ:

1. Қуйидаги спортчилар бирйўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирлансинлар:

олтин медали олгани учун

ҳар бири 200 000 АҚШ доллари билан:

Намозов Шерзод Насимович – дзюдо буйича терма жамоа аъзоси;

Нигматов Уткиржон Исмаилло ўғли – дзюдо буйича терма жамоа аъзоси;

Тулендибаев Адилжон Ришатович – дзюдо буйича терма жамоа аъзоси;

Норбеков Хусниддин Киличбоевич – енгил атлетика буйича терма жамоа аъзоси;

Свечников Александр Владимирович – енгил атлетика буйича терма жамоа аъзоси;

Каюмова Нозимахон Номонжоновна – енгил атлетика буйича терма жамоа аъзоси;

Мусабеков Фирдавбек Улуғбек ўғли – сузиш буйича терма жамоа аъзоси;

Амилова Фотимахон Равшанбек қизи – сузиш буйича терма жамоа аъзоси;

кумуш медали олгани учун

ҳар бири 100 000 АҚШ доллари билан:

Алимова Хайтжон Абдулла қизи – дзюдо буйича терма жамоа аъзоси;

Бурхонова Сафия Каимовна – енгил атлетика буйича терма жамоа аъзоси;

Одилова Муслима Улуғбек қизи – сузиш буйича терма жамоа аъзоси;

Панков Кирилл Дмитриевич – сузиш буйича терма жамоа аъзоси;

бронза медали олгани учун

ҳар бири 75 000 АҚШ доллари билан:

Бобоев Шухрат Шоназарович – дзюдо буйича терма жамоа аъзоси;

Саидов Феруз Бешимович – дзюдо буйича терма жамоа аъзоси;

Шарипов Ширин Хомитович – дзюдо буйича терма жамоа аъзоси;

Салаева Севинч Одамбай қизи – дзюдо буйича терма жамоа аъзоси;

Рахимова Гулрух Илхамбековна – дзюдо буйича терма жамоа аъзоси;

Нурметова Турсунпаша Бахрамовна – дзюдо буйича терма жамоа аъзоси;

Салиев Дониёр Нурулла ўғли – енгил атлетика буйича терма жамоа аъзоси;

Бозоров Ахрор Ботирович – пауэрлифтинг буйича терма жамоа аъзоси;

Турсунхўжаев Музаффар Шухратилло ўғли – сузиш буйича терма жамоа аъзоси;

Хорлин Дмитрий Сергеевич – сузиш буйича терма жамоа аъзоси;

Тошпулатова Шохсанамхон Дилшодбек қизи – сузиш буйича терма жамоа аъзоси;

Ибрагимов Сервер Юсуфович – ўқ отиш буйича терма жамоа аъзоси;

Сахатов Миран Мирюнович – енгил атлетика буйича терма жамоа аъзоси;

Хамраев Фахриддин Фарходович – енгил атлетика буйича терма жамоа аъзоси;

Абдурашидов Мансур Самат ўғли – енгил атлетика буйича терма жамоа аъзоси.

2. Белгилаб қўйилсинки, пул мукофотларини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан хорижий валютада – АҚШ долларида, банкда жисмоний шахслар учун белгиланган тартибда очилдиган депозит ҳисоб рақамларидан, солиқ ундирилмасдан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу мақсадлар учун зарур пул маблағлари ўз вақтида ажратилишини таъминласин, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда ажратилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буюртма-номалари буйича белгиланган тартибда конвертация қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси спорт делегацияси таркибидagi спортчиларнинг 2016 йилдаги XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинлари қатнашчилари Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Олимпиячиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан сотиб олинган "Малибу" маркали енгил автомобиллари билан иловага мувофиқ мукофотлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, ушбу фармойиш асосида жисмоний шахсларга берилган енгил автомобилларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 19 сентябрь

О'зЛиДеР СЪЕЗДИ АРАФАСИДА

Энг муносиблар делегатликка сайланмоқда

О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ айни кунларда ҳудудларда бошланғич партия ташкилотларининг умумий йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Унда партия туман ва шаҳар ташкилотларининг навбатдаги конференцияларига делегатлар сайланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик масалалари атрофлича муҳокама қилинмоқда.

СИЁСИЙ САЛОҲИЯТ СИНОВИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

О'зЛиДеР Қонлиқул туман Кенгаши таркибидagi 45 та бошланғич ташкилот 763 нафар маслақдошни жипслаштирган. Қуйи тузилмаларнинг умумий йиғилишлари тизимли равишда ўтказилмоқда. Масалан, 1-сонли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда иш юритаётган БПТда ҳам мазкур тadbир кўтаринки руҳда, ишчанлик кайфиятида бўлиб ўтди.

Партия маҳаллий ташкилоти ходимлари, туман Кенгаши депутатлари, қуйи бўғинлар раислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган йиғилишда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти учун масъулиятни ўз зиммасига олган О'зЛиДеР юрtdошларимизда туб ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш жараёнида фаол иштирок этаётгани алоҳида таъкидланди. Бу жараёнда асосан БПТларга таянлаётгани бежиз эмаслиги, чунки мазкур тузилмалар бевосита электротар ва сайловчилар орасида иш олиб бори-



ши қайд этилди.

Шунингдек, бўлажак сиёсий кампания арафасида ҳар бир аъзонинг икки маслақдошимиз ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши. Мунозаралардан кейин БПТ фаолларидан бири, 10-сонли мактабгача таълим муассасаси ходимаси Арухан

Йиғилиш иштирокчилари партия туман Кенгаши конференциясига вакил сифатида номзоди қўйилган икки маслақдошимиз ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши. Мунозаралардан кейин БПТ фаолларидан бири, 10-сонли мактабгача таълим муассасаси ходимаси Арухан

Есенбаевага делегат сифатида ишонч билдирилди. Маслақдошлар вакили конференцияда қабул қилинувчи қарорларга муносабат билдириш юзасидан тегишли йўл-йўриқлар берди.

Давоми 5-саҳифада >>

Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди.

Ислом КАРИМОВ



Жасорат ва матонат тимсоллари

Ўзбекистонлик паралимпиячилар эришган муваффақиятлар ана шундай юксак шарафга муносибдир

Бир умр эсдан чиқмайдиган воқеалар кинолентасидай кўз олдимиздан ҳамон ўтиб турибди: Энг улуг, энг азиз байрам – Ватанимиз Мустақиллигининг муборак 25 йиллиги нишонланишига санокли кунлар қолган эди ўшанда. Куну тун интернету телеэкран, радио тўлқинларидан тортиб, кундалик нашрларгача "Рио – 2016" Олимпиадасини ёритиб турди. Дунёнинг манаман деган давлатлари вакиллари иштирок этган бу тенгсиз, муросасиз беллашуларда эндигина ўз истиқлолининг чорак асрлик тўйини ёруғ юз билан кутиб олаётган ўзбекистонлик олимпиядачиларнинг дунё аҳлини хайратга солгулик ғалабаларини эътироф этмоқ, таърифламоқ осон кечмади. Чунки, ушбу тарихий воқеа – Ўзбекистон спортидаги ўзига хос "бурилиш" нуқтаси бевосита мамлакатимизнинг Биринчи Президенти ташаббуси, ғамхўрлиги ва қўллаб-қувватлаши туфайли содир бўлди, дейишга бугун бизда тўла асос бор. У ҳам бўлса, мустакиллик йилларида давлатимиз, ҳукуватимиз томонидан эртанги кунимиз эгалари бўлган соғлом ва

бақувват фарзандларни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мевасидир.

Олимпиадачиларимизнинг 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медаллари, умумжамоа ҳисобида 21-ўринни эгаллаганлиги кўксимизни осмон қадар юксалтирди. Олис Бразилияда мустакил Ўзбекистонимизнинг байроғи сарбаланд бўлиб, давлатимиз мадҳияси янграганида... кўзларимиз севинч ёшларига тўлди. Кучли, енгилмас, жасур спортчиларимизни биз билан баб-баравар қўллаб-қувватлаб, "ўзбек", "Ўзбекистон" дея мardона тан бериб хайқирган хорижлик мухлислар хаяжони юракларини жунбушга келтирди. Зеро, бизнинг ватандошларимиз жаҳон спорт ареналарида ҳам ҳақли равишда ҳеч кимдан кам эмасликларини ана бир бор исботлади!

Давоми 6-саҳифада >>

МУНОСАБАТ

Музаффар спортчиларимиз тантанали кутиб олинди

Ўзбекистон спортчилари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV Паралимпия ўйинларида 8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза медални қўлга киритди

Тошкент халқаро аэропортида 21 сентябрь куни ушбу нуфузли мусобақа ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчиларини тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, паралимпиячиларимизнинг ота-оналари, журналистлар йиғилди.

Жорий йилги спорт мавсумида Ўзбекистон фарзандлари дунёнинг нуфузли мусобақалари – XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида бутун жаҳонга мамлакатимизнинг улкан салоҳиятини намойён қилди. Аждодлари буюк миллатнинг авлодлари ҳам буюк ишларга қодирлигини, юртимиз ёшларининг мардлик ва жасоратда, шижоат ва матонатда, иқтидор устасидода ҳеч кимдан кам эмаслигини, аксинча, манаман деган давлат ёшларидан устун эканини исботлади.

Спортчиларимизнинг XXXI ёзги Олимпия ўйинларида халққа улашган, элнинг қаддини, ғурур-иштихори тоғдек кўтарган музаффар онларининг ҳовури босилмай туриб, яна ғалаба нашидаси, бахтиёр лаҳзалар шукҳи қалбларимизни чулғаб олди.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз эришган натижалар ана шундай туйғуларни бахш этди. Дунё миқёсидаги нуфузли спорт анжуманида бир юз олтидан зиёд давлатдан тўрт мингдан ортиқ спортчи ғолиблик учун баҳслашди.

Ўзбекистон паралимпиячилари ушбу нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик қўрди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарори асосида паралимпиячиларимиз замонавий меъёрлар асосида ўқув-масгулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, Паралимпия ўйинларига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга тайёрлиниши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилди.

XV Паралимпия ўйинларида Ўзбекистоннинг 32 спортчиси дзюдо, сузши, енгил атлетика, ўқ отиш ва пауэрлифтинг турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза, жами 31 медалга сазовор бўлди. Бу кўрсаткич билан Ўзбекистон спорт делегацияси 160 дан ортиқ давлат орасида ўн олтинчи, МДХ давлатлари ўртасида иккинчи, Осиё мамлакатлари ичида учинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

– Улғим Паралимпия ўйинларига кетиш олдида албатта олтин медал билан қайтман, деб ваъда берганди, – дейди Фирдавс Мусабековнинг онаси Шоира Мусабекова. – У ваъдасининг устидан чиқиб, юзимизни



ёруғ қилди. Улғимнинг бу ғалабаси бутун халқимизнинг ютуғи, истиқлол берган кенг имкониятлар, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг ёшларга кўрсатган меҳр ва эътиборининг самарасидир. Мамлакатимиз мустақил бўлмаганда ўғлим шундай катта мусобақаларда манаман деган давлат вакиллари билан беллашиш имконига эга бўлармиди?! Ғалаба қозонишни-ку тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. – Биз паралимпиячиларимиз билан фахрланамиз, – дейди XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби Руслан Нурудинов. – Уларнинг матонатига, шижоатига қойил қолмай илож йўқ. Биз, спортчилар XXXI ёзги Олимпия ўйинларидаги ғалабамиздан қандай қувонган бўлсак, паралимпиячиларимизнинг ютуғидан қувончимиз икки хисса ошди. Зеро, улар Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон ёшлари нималарга қодирлигини, халқаро майдонларда эришадиган натижаларимиз тасодифий эмаслигини яна бир қарра исботлади.

...Мана, орзиқиб қутулган дамлар – улкан ҳаво кемасидан қўларига Ватанимиз байроғини мағрур кўтарган спортчиларимиз чиқиб келмоқда. Карнай-сурнай садолари ёшларнинг "Ўзбекистон!" деган ҳайқирғига уланиб кетади.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов, Ўзбекистон халқ артисти М. Азизов, ота-оналар номидан Р. Қўчқорова паралимпиячиларимизнинг бу юксак ғалабаси халқимизга чексиз ғурур-иштихор бағишлаганини, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг

мамлакатимизда мустақиллик йилларида спортни ривожлантиришга, бу жараёнда жисмоний имконияти чекланган спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратган эътибор ва ғамхўрликнинг улкан самарасини бутун дунёга намойён қилганини алоҳида таъкидлади.

Ғолиб ва совриндор спортчиларимиз номидан сўзга чиққан Ш. Намозов, Ҳ. Олимова, М. Турсунхўжаев халқимизнинг ишончи, давлатимизнинг ёшларга қаратаётган юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирди. Келгусида бундан-да юксак ғалабаларни қўлга киритишга ваъда берди.

Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари, иштирокчилари, уларнинг ота-оналари ва ақинлари усти очиқ автобусга ўтириб йўлга чиқди. Тошкент халқаро аэропортидан Ўзбекистон Паралимпия ассоциацияси биносига қадар музаффар спортчиларимизни кутиб олиш учун йиғилганлар уларни қутлади: "Баракалла, қудратли юртининг муносиб фарзандлари! Ғалабангиз муборак бўлсин!"

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга иштонж қатлами, жисмоний имконияти чекланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий кўмак бериш, билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва интилишига мос касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, халқаро майдонларда матонатини, иродасини, жасоратини кўрсатишини таъминлаш доимий эътиборда.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг ғалабага бўлган қатъ-

ий ишончи, тугилиб ўсган Ватанини баралла мадҳ этишга бўлган интилиши улар кўрсатган натижаларда бутун буй басти билан намойён бўлди.

Ҳар қандай ғалаба, эришилган натижа таққосланганда янада залворли кўринади. Биргина мисол, Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XIV Паралимпия ўйинларида ўн нафар спортчимиз иштирок этган ва бир кумуш медални қўлга киритган эди. Бу галги мусобақада олтин медалнинг ўзи саккизтага етди. Таъкидлаш жоизки, ҳатто, қатнашувчи спортчилари бизникидан бир неча баробар кўп бўлган айрим давлатлар ҳам шунча олтин медалга эриша олгани йўқ. XV Паралимпия ўйинларида 160 дан зиёд давлатдан 83 давлат спортчиларига медалларни қўлга киритиш бахтига муяссар бўлди, олтин медалга сазовор бўлган давлатлар ундан ҳам кам – 63 тани ташкил этди.

– Паралимпия ўйинларидаги ғалабамизни мустақиллигимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига бағишлаймиз, – дейди Шерзод Намозов. – Олимпиячиларимизни кутиб олиш маросимини кўрганамизда уларга чин дилдан ҳавас қилган, биз ҳам нуфузли мусобақада муносиб иштирок этиб, ғалаба қозонамиз, деб ният қилган эдик. Бугун ана шу ниятимизга етганимиздан, бизни ҳам олимпиячиларимиз каби катта тантана билан кутиб олишганидан бошимиз осмонга етди.

Паралимпия ўйинларининг сузши бўйича баҳсларида спортчиларимиз ўзига хос рекорд натижа қайд этди.

Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда қатнашган истеъдодли спортчимиз Фотима Омилова биттадан олтин, кумуш ва бронза медалга сазовор бўлди. У 100 метрга брасс усулда сузишда 1 дақиқа 12.45 сония натижа қайд этиб, жаҳон рекордини янгилади ва шохсупанинг энг юқори погонасидан жой олди. 200 метрга комплекс сузишда кумуш, 100 метрга баттерфляй усулида сузишда бронза медални қўлга киритди.

Паралимпия ўйинларининг енгил атлетика баҳслари ҳам спортчиларимиз учун медалларга бой бўлди.

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон спортчилари XV Паралимпия ўйинларида ўз маҳорати, матонатини ва шижоатини тўла намойён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Спортчиларимиз келажакдаги нуфузли мусобақаларда, жумладан, 2020 йили Япониянинг Токио шаҳрида бўладиган XVI Паралимпия ўйинларида бундан-да салмоқли натижаларга эришиши шубҳасиздир.

Тантанали маросимда Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов иштирок этди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
УЗА

(Материал қисқартирилган ҳолда берилмоқда)

4 ДЕКАБРЬ – САЙЛОВ КУНИ

Халқимиз хоҳиш-иродасининг ёрқин ифодаси



Ислам
ЗОКИРОВ,

Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси
аъзоси

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъбири билан айтганда, "Демократия ва сайлов тунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов – демократия дегани. Демократия – бу сайлов дегани".

Ҳақиқатан ҳам шундай. Бинобарин, мамлакатимиздаги бу муҳим сиёсий жараён халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, 2015 йил 29 мартда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун юртимизга ташриф буюрган 5 та халқаро ташкилот ва дунёнинг 43 та давлатидан келган 299 нафар кузатувчи ҳам сайлов жараёнларининг ҳар томонлама тенглик, очиқлик, ошкоралик ва адолатлилик принциплари асосида ўтганлигини алоҳида таъкидлашган эди.

Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган босқичма-босқич ва изчил ислохотлар самарасида энг юксак демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос, мамлакатимиз Асосий Қонунда мустаҳкамланган ҳар кимнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов тизими яратилгани халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайлов тизимидаги очиқлик ва ошкоралик сиёсий партиялар учун ҳам катта имкониятлар яратмоқда. Чунки, ошкоралик принципи мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини демократик тарзда амалга оширади. Унинг "мажлислари" очиқ тарзда ўтказилади ва уларда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг ва ҳаракатларнинг кузатувчилари билан бир қаторда сиёсий партиялар вакиллари ҳам иштирок этиши мумкин.

Демократик сайловларни очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик асосида ўтказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёқдир. Негаки, улар фуқароларнинг сиёсий партиялар фаолияти, номзодларнинг сайловолди дастурлари, сайлов жараёнининг барча босқичлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш лозим. Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик қўриш жараёни ва сайлов қандай ўтаётганини ёритиб бориши мустаҳкамланган. Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда оммавий ахборот воситалари тенг шарт-шароит ва имкониятлар принципида амал қилган ҳолда, номзодларга, сиёсий партиялар вакилларига ўз эфир вақти ва нашр майдонини қонунда белгиланган тартибда тақдим этади. Бундан ташқари, улар фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида сайлов жараёнида жамоатчилик назорати вазиёсини бажаради.

Ўтган йилги Президент сайловида ҳам сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари фаолияти муҳим омиллардан бири бўлган эди. Хусусан, сайлов жараёни 600 дан ортиқ маҳаллий ва 180 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, қарийб 180 та хорижий ва миллий интернет нашрлар ёритиб боргани фикримизнинг тасдиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика Матбуот маркази ва ҳудудий матбуот марказлари томонидан мамлакатимиз ва чет элнинг 980 нафардан ортиқ журналистлари иштирокида сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган 70 дан ортиқ матбуот анжуманлари, брифинглар ва онлайн брифинглар ўтказилган. Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 12,7 мингдан зиёд мақола ва ахборот материаллари, кўрсатув ҳамда эштитиришлар эълон қилинган эди.

Умуман олганда, мамлакатимизда сайловларни очиқ-ошқора ўтказиш бўйича катта тажриба тўплаган. Бу борада қуйидаги ибратли жиҳатларни алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Жумладан, мукамал қонунчилик базаси шакллантирилган бўлиб, сайловларга оид қонунларимизда ошкоралик масаласига алоҳида эътибор қаратилган. "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунда алоҳида модда, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунда ҳам ошкоралик алоҳида принцип сифатида кўрсатилган. Шунингдек, қонун ва қондаларни амалга ошириш учун махсус тузилмалар ташкил этилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун алоҳида республика ва ҳудудларда ахборот хизматлари ташкил этилган. Сайлов тизимидаги қонунчилигимиз халқаро стандартларга, умумэтироф этилган сайлов принципларига тўлиқ мос келади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда сайловларни ҳар томонлама демократик, очиқ-ошқора, эркин ва адолатли тарзда ўтказиш, фуқароларнинг сайлов жараёнларида эркин, фол иштирок этиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Бу эса фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишига, мамлакатимизнинг демократия йўлидан изчил бориб, янада юксак марраларни эгаллашига замин яратади.

Ёшлар келажаги

қонун билан кафолатланган

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, истеъдодини тўла намойён этиши учун шароит яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Йигит-қизларимизнинг турли фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ва мусиқа фестивалларида муваффақиятли иштирок этиб келадигани ана шундай эътибор самарасидир.

Бу фикрлар янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳиятини тунтуриришга бағишланган тадбирда бот-бот тақдорланди. "Туркистон" саройида бўлиб ўтган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

– Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида ёш оилаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароит яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш вазифаси белгилангани катта ҳаёт остонасида турган ҳар бир йигит-қизни қувонтирди, – деди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Нуржаҳон Тошева. – Чунки оила кураётган ҳар бир ёш турар-жой масаласида маълум қийинчиликка дуч келади. Мазкур қонун ана шу муаммоларнинг

олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 14 сентябрда имзоланган тўрт боб, ўттиз уч моддадан иборат мазкур қонунда ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари, адлия, ички ишлар, мудофаа, прокуратура идоралари, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларига тааллуқли ваколатлар аниқ белгиланган.

– Мазкур қонун шу пайтгача ёшлар масаласига оид қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг манتيқий давоми бўлди, – деди Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайё Пулатова. – Бу эса ёшларимиз камолотида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Тадбир сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ҳасан САЛОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Маълумки, жорий йилнинг 4 декабрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Аини пайтда ушбу муҳим тадбирни юқори савида ташкил этиш учун жойларда тайёргарлик кўрилоқда.

САЙЛОВГА МУНОСИБ ТАЙЁРГАРЛИК

Сайловолди штаби йиғилишида шу ҳақда сўз борди

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Марказий сайловолди штабининг навбатдаги йиғилишида ана шу сиёсий жараён олдида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Содижон Турдиев ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва иштирок этиш юзасидан O'zLiDeP фаоллари томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар хусусида сўз юритди. Бу жараёнда кенг жамоатчилик, айниқса, электрорат орасига чуқурроқ кириб бориш, сайловолди ширларини тайёрлаш, тарғибот гуруҳларини тузиш ва уларнинг фаолиятини самарали ташкил лозимлигини таъкидлади.

– Гарчи сайловга қисқа фурсат қолган бўлса-да, тарғибот гуруҳлари фаолларининг сиёсий билим ва кўникмасини ошириш мақсадида уларни ўқитишни режалаштираямиз, – дейди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров. – Бу эса ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини оширишда жуда муҳимдир.

Шунингдек, йиғилишда O'zLiDePнинг бошланғич ташкилотларининг умумий йиғилиши ва конференцияларини ўтказиш ҳамда бу борада партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аъзолари ҳамда масъул ходимларини жалб этиш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
"XXI asr" мухбири

ЖАРАЁН

Меҳнатидан рағбат топаётганлар

✓ O'zLiDeP Анджион вилояти Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан Баликчи тумани "Коинот" фермер хўжалигида "Фермерлик ҳаракати – мустақиллик неъмат" мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. O'zLiDeP вилоят Кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Х. Халилова ҳамда туман Кенгаши аппарат раҳбари Г. Қодирова истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеи тобора юксалиб бораётганини таъкидлашди.

– Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида мен "Коинот" фермер хўжалиги раҳбари бўлдим, – дейди ифтихор билан С. Худойбердиева. – Бугунги кун миришқори дунёқараш кенг, узоқни кўра оладиган, эртанги кунга ишонч билан яшайдиган инсонлардир. Энг муҳими меҳнатимизга яраша рағбат топпаймиз, оиламизга кут-барака кириб, фарзандларимиз бекам куёт ўсмоқда.

Тадбирда кўп тармоқли фермер хўжаликлари тажрибасини оммалаштириш, ҳудудда сут маҳсулотини қайта ишлайдиган корхоналарни кўпайтириш, чекка қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш борасида зарур чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Умида ИСАЕВА,
O'zLiDeP Анджион вилояти Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудир

Ҳисобот тингланди

✓ Маҳаллий Кенгаш депутатларига сайловчилар манфаатини ҳимоялаш, мутасадди идораларга сўров юбориш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат ўрнатиш каби ваколатларнинг берилгани жамиятни демократлаштириш ва модернизациялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, мансабдор шахс ҳисоботини эшитиш институтининг жорий этилиши жойларда давлат дастурларининг ўз вақтида бажарилишида муҳим омил бўлаётди. Бу эшитувларда мутасадди идораларнинг фаолияти, йўл қўйилган хато ва камчиликлар муҳокама этиляпти.

Яқинда O'zLiDeP Узун ва Олтинсой тумани Кенгашларида депутатлик гуруҳлари ҳудуддаги молия бўлимларининг ярим йиллик ҳисоботини тингладди. Маълум бўлдики, маҳаллий бюджет ҳисобидан иқтисодий ва молиявий барқарорлиқни таъминлаш, аҳоли даромади ва турмуш даражасини яхшилаш, таълим, тиббий хизмат, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида амалий тадбирлар амалга оширилган. Шунингдек, давлат харидлари жараёнида ошқоралиқни таъминлаш ва рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган норматив ҳуқуқий

ҳужжатлар билан белгиланган вазифалар ижроси таъминланган.

Ўз навбатида, депутатлар ҳудудларда тадбиркорлик ва ишчанлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида қўшимча иш ўрни яратиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида молия бўлимлари олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритилди.

Гулмира АМИРОВА,
O'zLiDeP Сурхондарё вилояти Кенгаши ҳузуридаги СТМ раҳбари

Эртанги кун бизники

O'zLiDeP Нукус шаҳар Кенгаши томонидан "Эртанги кун бизники, марра бизники" шиори остида тадбир бўлиб ўтди. Партия фаоллари ва ёшлар иштирок этган тадбирда истиқлол йилларида ёш авлод маънавиятини юксалтириш, яратилган қулайликлар, партия лойиҳаларининг улар ҳаётидаги ўрни хусусида сўз юритилди.

– O'zLiDePнинг "Диплом билан – бизнесга" лойиҳасида голиб бўлиб, "Микрокредитбанк" дан 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошладим, – дейди Нукус иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабаси Гавҳар Тагаберденова. – Миллий гиламлар тўқиш жону дилим, келгусида тўқувчилик цехи очиш ниятидаман.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот хизмати

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ

тезкор муносабатлар гаровидир

✓ Ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга татбиқ этиш бизнесни ривожлантиришнинг муҳим омилдир. Зеро, мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимига янада интеграциялашуви, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ички бозорларда илғор технологияларни қай даражада қўллашга боғлиқ.

"Электрон тижорат тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши ва унда замонавий ҳуқуқий муносабатларнинг белгилангани тадбиркорлик субъектларининг ахборот-коммуникация технологияларидан янада самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Мазкур қонунда тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат воситасида фаолиятини амалга ошириш эркинлиги, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши каби принципларнинг белгилангани юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда муҳим ўрин тутмоқда.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга биноан давлат электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, соҳага инвестиция, замонавий технология ва жиҳозларни жалб этиш учун имконият яратиш, зарур ахборот билан таъминлаш, соҳадаги илмий-технавий тадқиқотларни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш каби вазифаларни амалга оширади. Шу билан бирга, қонунда Вазирлар Маҳкамаси ва махсус ваколатли давлат органларининг электрон тижорат соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Қолаверса, қонуннинг 9-моддасида электрон ҳужжатлар, шунингдек, электрон шаклда қайд этилган, юрбурвчисини идентификация қилиш имкониятини

берадиган ахборот ўз қўли билан имзоланган қоғоздаги ҳужжатларга тенглаштирилиши ҳақидаги норма белгиланди. Бу эса тадбиркорлар учун фаолиятининг хар қандай босқичида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат айланишини таъминлаш баробарида вақт ва маблағни тежаш имконини беради. Муҳими, электрон тижорат бизнес юриштирининг энг замонавий усули бўлиб, унинг ёрдамида тадбиркорлар буюртмачиларни жалб қилиб, даромадни ошириш, таннархни камайтириш, товар ҳаракати жараёнини қисқартириш, хизматлар сифатини яхшилашга эришиши мумкин.

Айтиш жоизки, қайд этилган қонун кучга киргандан сўнг электрон тижоратнинг келгусидаги истиқбол билан боғлиқ ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 декабрдаги "2016 – 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан 2016-2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Унга кўра, электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, электрон тижорат инфратузилмаси ҳамда телекоммуникациялар тармоғини янада ривожлантириш ва модернизациялаш, товар айланмаси ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, интернет магазинларни янада такомиллаштирилган тўлов тизимлари, шунингдек, электрон тижоратда логистика тизимини яратиш, халқаро стандартлар асосида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хорижий тажрибани ўрганиш ва қўллаш белгиланди.

Мухтасар айтганда, мазкур қонун савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатларни камайтириш, сотувчи ва харидор ўртасида тезкор муносабатларни ўрнатиш, халқаро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфратузилмасини яратишга хизмат қилади.

Гулшана ХУДОЁРОВА,
Бекзод АРТИКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Саломатлик муҳофазаси доимий назоратда

✓ Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишларида депутатлар ҳамда партия фаолларининг сиёсий билими, профессионал маҳоратини ошириш, белгиланган ҳуқуқ ва ваколатлардан самарали фойдаланиш кўникмасини мустаҳкамлаш борасида амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар депутатлар фаолиятини жонлантиришга хизмат қилаяпти. Улар ўз ҳудудларидаги муаммоларни бартараф этишда фаоллик кўрсатиб, сайловчилар ишончини қозонишмоқда.

Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилиши ярим йил давомида амалга оширилган ишлар, "Соғлом она ва бола йили" муносабати билан ўтказилган аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш патронаж ойлиги натижаларига бағишланди. Шунингдек, давлатимиз Биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Адҳам Усмоновнинг ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилдики, бугунги кунда Қарши шаҳрида 264 минг 900 нафар аҳоли истиқомат қилиб, улардан 73 минг 261 нафари туғруқ ёшидаги хотин-қизлардир.

Ташкил этилган "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" акцияси доирасида 140 нафар эркак, 143 нафар аёл ва 109 нафар бола, 5 нафар уруш қатнашчиси, 22 нафар меҳнат фахрийлари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича саломатлиқни тиклаш ва даволаниш учун тавсиялар берилди. 2 нафар болада сон суягининг туғма чиқиши, 3 нафар болада эса тирсак соҳаси бўғини суяги синиши аниқлангани учун Республика травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида соғломлаштирилди, 2 нафар ногирон болада гидроцефалия билан нейрхирургия жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Шаҳардаги мавжуд умумий ўрта таълим мактабларида 32 минг 587 нафар ўқувчи таҳсил олади. Ярим йил давомида 18 минг 116 нафар ўқувчи чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, 1



минг 662 нафарига амбулатор ва стационар даволинишга маслаҳат берилди.

Қайд этилган даврда 807 та никоҳ рўйхатга олинди. 1 минг 397 нафар никоҳ ёшидаги йигит-қизлар тиббий кўриқдан ўтказилди. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, туғма ва ирсий касалликларни олдини олиш борасида ҳам тарғибот ишлари олиб бориляпти. 6 минг 71 нафар болалар профилактика эмланди, 1 нафар юрагида туғма нуқсон бўлган бола Республика кўкрак жарроҳлик марказида, 1 нафар кам таъминланган оила фарзанди қаттиқ танглай ривожланишида нуқсонли борлиги туфайли Тошкент давлат стоматология институти клиникасида жарроҳлик йўли билан соғломлаштирилди. 371 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари тўлиқ кўриқдан ўтказилиб, 115 нафарига сиҳаттоғга йўлланма берилди.

O'ZLIDER LOYIHXALARI

Давлатимиз томонидан ёшларга яратилган шарт-шароитлар тенгқурларимни тадбиркорлик соҳасида улкан муваффақиятларни қўлга киритишига тўртки бўлаётди. Оқдуй мисол, O'zLiDePнинг "Оилавий тадбиркорликдан – мустақкам оилага" лойиҳаси Нукус шаҳар босқичида голиб бўлиб, "Микрокредитбанк" дан 47 миллион сўм имтиёзли кредит олдим.



Ютуқлар олға ундайди

Айни пайтда 7 нафар дугонам билан биргаликда кўрпача ва ёстиқ жилдлари, пардалар, жажжи болажонларимиз учун ҳар хил кийим, миллий либослар таямлашмоқда. Шунингдек, шартнома асосида боғча, тиббиёт муассасаларига турли турдаги маҳсулотларни етказиб бераймиз.

Яна бир қувончи томони, O'zLiDePнинг "Ишбилармон аёл" кўрик-танлови Қорақалпоғистон

Республикаси босқичида "Энг ёш тадбиркор аёл" номинациясида ҳам совринли ўринга эга бўлдим.

Келгусида режаларим кўп. Иш фаолиятимизни янада кенгайтириб, коллежаларни битираётган қизларимизни иш билан таъминламоқчиман.

Бахитли ҚАЛБАЕВА,
Нукус шаҳридаги "Элдар Бахитли" мастулюяти чекланган жамияти раҳбари

Моҳир қўллар маҳоратдан сўзлар

Бўз туманилик Феруза Ғаниева миллий матопардан либос тикишни яхши кўради. Миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган ҳолда яратган уст-бошлари барчага манзур бўлиб, мижозлар сонини кўнган кўпаймоқда.

Феруза авваллари кийим-кечакни фақат оила аъзолари учун тиккан бўлса, ҳозирда кўпгина гўзаллик салонини тўй либоси билан таъминлашга ҳам киришган.

– Йил бошида "Машхура" хусусий ўқув марказида ўқиб, малакамни оширдим ва келинлар либоси тайёрловчи кичик тикув цехини очдим, – дейди Феруза Ғаниева. – Уч нафар чевар дугонам билан буюртмаларни ўз

вақтида тайёрлашга ҳаракат қилаямиз.

Айтганча, партия томонидан ўтказилган "Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг туман босқичида Ферузанинг ижодий ишлари юқори баҳоланди ва у голибликка муносиб топилди.

Умида ИСАЕВА,
O'zLiDeP Анджион вилояти Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудир

Ёрдамга муҳтож ногиронларга 5 дона ногиронлик аравачаси, 1 дона кўлтиқтаёқ ва шунча ҳасса, 4 дона эшитиш мосламаси тақдим этилди. 11 нафар ногирон реабилитация техник воситалари билан таъминланди. Айтиш жоизки, шаҳар аҳолисини яхшилаш хирургия ва терапевтик ёрдам кўрсатиш ҳамда тунги пайтда мурожаат қилган беморларга мўлжалланган хоналарга эҳтиёж сезилмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, 15 ўринли тез тиббий ёрдам бўлимини ташкил этиш, тиббиёт бирлашмасига қарашли 11 та даволаш профилактика муассасаларидан 4 тасида янги қурилиш, қолганида капитал ва жорий таъмирлаш ишлари ўтказилиши керак.

Шунингдек, йиғилишда аҳолини сифатли ичимлик суви ва замонавий тозалаш тизими билан таъминлашга доир кўрилатган чора-тадбирлар, юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида қилинган ишлар юзасидан Қарши шаҳар Давлат санитария эпидемиология назорати марказининг бош шифокори Каюм Усмонов ҳисобот берди. Таъкидландики, шаҳар эпидемияга қарши кураш фақуллода комиссияси йиғилишида тегишли ташкилотлар томонидан амалга оширилган ишлар мунтазам таҳлил этиб борилаётганини айтиш мумкин. Шунингдек, 3 та тарғибот гуруҳи томонидан маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб борилаётганини 6 мингта рисола тайёрланиб, хонадонларга тарқатилди.

Бундан ташқари, Қарши шаҳар "Сувоқова" корхонаси бошлиғининг аҳолини тоза ҳамда сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида қилинаётган ишлар юзасидан ҳисоботини эшитиш режалаштирилган эди, афсуски, тақлиф этилган раҳбар зшитувга келмади.

Тадбир сўнггида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда юқори самарадорликка эришиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, қарор қабул қилинди.

Абдусалим МҮМИНОВ,
Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ИСТИҚЛОЛ
ИМКОНИАТЛАРИ

Ислохотлардан тараққиётга

Истиқлол йилларида яратилган шароитлар туфайли Самарқанд вилоятида ҳам ҳар томонлама ривожланиш кузатилаётган. Жорий йилнинг биринчи чора-қараридан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2 триллион 108 миллиард сўми ташкил этиб, шундан сановат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 112 фоизга, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари тайёрлаш эса 106,4 фоизга етди.

Айниқса, пойтахтимизда ташкил этилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси кутилганидек самарали кечди. Қувонарлиси, ярмарка иштирокчилари Самарқандда ташриф буюришиб, вилоятдаги мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари, агрофирмалар ва фермер ҳўжаликларини фаолияти билан яқиндан танишишди.

Айтиш керакки, бугунги кунда ҳудудда етиштирилаётган мева-сабзавот, полив, узум ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ички бозорни тўла қондириши баробарида дунёнинг қирққа яқин давлатга экспорт қилинмоқда. Айниқса, мева-сабзавот етиштиришга истиснолашган Булуғтур, Жомбой, Самарқанд, Тайлоқ ва Ургут туманларида кейинги йилларида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳўкимининг "Вилоятда 2016 йилда ҳудудда чорвачилик, паррандачилик, баллиқчилик, асаларчилик, эчкичилик, қўнчилик, қўрғаччилик, ўрдақчилик ва беданчиликни ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни янада кўпайтириш тўғрисида"ги қарорини бажариш юзасидан шу йили 35 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурга асосан амалга татбиқ этилиши мўлжалланган 2 минг 970 та лойиҳанинг 2 минг 575 таси амалга оширилди. Натижада 1 июль ҳўлатига лойиҳаларнинг 138 миллиард 258 миллион сўми ташаббуслорнинг ўз маблағлари, 36 миллиард 524 миллион сўми тижорат банклари ҳисобидан молиялаштирилди. Энг муҳими, 9 минг 835 та янги иш ўрни яратилди.

Мухтасар айтганда, истиқлол йилларида юз бераётган ислохот ва янгиланишлар ҳеч қачон четлаб ўтмапти. Шундай экан, юртимиздаги тинчлик-хотиржамликни асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Н. МЎМИНОВА,
O'zLiDeP Самарқанд вилояти
Кенгаши Мафқуравий
тарғибот-ташвиқот ишлари
бўлими мудири

ЭЗГУЛИК ЭЛЧИЛАРИ

ёҳуд Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашидаги,
O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Нигора Қўшжонова
фаолиятига бир назар

- ✓ Кимки ҳўнарли оилада дунёга келибдими, бу унинг ярим бахти! Ана шу ҳўнарни ўрганиб, уни келажакда ҳўётга татиқ этса ва ўзи бундан наф топса, билингки, мукамал бахтга эришибди.

...Нигорахон севимли бувиси ва онасининг чеварлик бобидаги ишларини кузатиб, жажжигина бармоқчаларида игна тутишга иштиёқ уйғонган кезларини ҳеч унутмайди. Айниқса, улар тиккан либослар буюртмачилар томонидан ҳўшнудлик билан кутиб олиниши ва миннатдорлик изҳорларига сочлари жамалак қизалоқ бефарқ қарай олмасди. У улғайганида элнинг олқишини олишни кўнглига тугганида 6-7 яшар қизалоқ эди. Бора-бора ўзи ҳам мустақил равишда либос тикиб, мижозлар кўнглини ола бошлади.

УМИДЛАР РЎБГА ЧИҚҚАН КҲН

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, истеъодларини рўбга чиқаришга қаратаётган эътибор Нигора Қўшжонованинг қалбидаги умид учкунларини алангалатиб юборди. Аввалига бир хонали уйни ижарага олиб чеварлик ишларини бошлади. 2011 йилда ўзи истиқомат қилаётган Урганч шаҳрининг Оби ҳўёт маҳалласида бўш ётган жойда иккамгина бино қурди. Янги бинода турли ўқув курси ва спорт машғулоти ўтказиш учун алоҳида хоналарда барча шароит яратилди.

— Жорий йилда бадиий гимнастика залини кенгайтирдик, — дейди Нигора Қўшжонова, — цехга замонавий тикув машиналарини ўрнатдик, гўзаллик салони, фитобар, массаж хонаси фаолиятини йўлга қўйдик. Аёлларни иш билан банд қилиш мақсадида Хитойдан замонавий пайпоқлар ишлаб чиқарадиган янги ускуналар олиб келдик. Айни пайтда бу ерда кунига 700-1000 дон пайпоқ ишлаб чиқарилмоқда. Маҳалламиз аҳлини нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида янги цех ҳам ташкил этилди.

Излаган имкон топганидек, бугуннинг талабини ҳис қилган Нигора уч йил мобайнида "Ўзбек — Хитой савдо уйи"да ишлаб, анча тажриба тўплади. Шу боис, ҳар йили баҳор ва куз ойларида Хитойда ўтказиладиган "Контон" кўргазмасида қатнашиб, самарали ишлаб чиқариш технологияларининг қуввати ва сифати билан танишди. Тадбиркор бўлиш истагидаги элдошларимизнинг буюртмалари ва замонавий технологиялар олиб келишни ўзининг инсонийлик бурчи деб билади.

2012 йилда Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Германиянинг халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалар фонди



ҳамда Марказий банк томонидан Хоразм вилояти хотин-қизлар кўмитаси қошида Аёллар маслаҳат маркази ташкил қилинди. Ўзининг ишбилармонлиги билан танилган, интилувчан Нигора Қўшжоновача ушбу марказга раҳбарлик қилиш топширилди. Бундай ишончи оқлаш мақсадида шаҳар ва туманлар, энг чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган, уйда бўш ўтирган аёлларни меҳнатга жалб қилиш, тадбиркорликка йўналтириш, кредит олишига кўмаклашиш, ишчи ўринлари яратиш ниятида турли тадбирларни ўтказишга бош-қош бўлади.

БОШИНГИЗНИ БАЛАНД ТУТИНГ!

...Бир кунининг олдида узок туманнинг чекка қишлоғидан ҳўётда ўз йўлини тополмай юрган бир аёл келди. Уни аввал яхшилаб тинглаган Нигора далда бўлиб, ўзининг фойдали маслаҳатлари билан тўғри йўл кўрсатди. Банкдан кредит олиб, тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкинлиги айтиди. Аёл мамнун бўлиб ортига қайтди.

Икки йилдан сўнг ўша аёл яна келди. Бироқ бу сафар анча дадил, фикрлари салмоқли эди. Тадбиркорлиги юришиб кетгани, оила аъзолари фойдали меҳнат билан машғуллиги, фаровонлигини айтиб қувонди. Нигорага такрор-такрор миннатдорлик билдирди...

Бундай воқеалар унинг ҳўётида учраб туради ва бундай пайтда у бегараз ёрдамини ҳеч қачон қўймайди.

Нигора ҳар бир уйда хотиржамлик, тўқинлик, фаровонлик бўлишини истайди. Аёлларнинг кўзида ёш кўрса, ороми бузилади. Шунинг учун ҳам ҳўётда қийналган оижазларга муруват қўлини чўзади, "Бошингизни баланд тутинг азиз аёллар, сиз бунга ҳўамаша лойиқсиз", дея уларнинг кайфиятини кўтаради.

Яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Германиянинг халқаро ҳамкорлик

бўйича жамғарма кассалар фонди билан ҳамкорликда "Битирувчиларнинг илк мустақил қадами" номи амалий қўлланма чоп этди. Бундан ташқари, мазкур ҳамкор ташкилотлар ҳўимийлигида мустақил фаолият юритиш арафасида турган ёшлар, доимий иш ўрнига эга бўлмаган, қолаверса, бозор рақобатидан чўчиб ўз фаолиятини бошлаб олмаётганлар учун "Жамғариш — келажак меваси", "Менинг оилавий бюджет китобчам", "Менинг кундалик пулларимни режаловчи китобчам" каби қўлланмалар ҳўда этилмоқда.

Тиниб-тинчимас тадбиркор айни пайтда "Хоразм технологиялари" хўсусий корхонасини бошқариш билан бир қаторда Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши депутати, мазкур Кенгашининг сановат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси, O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари сифатида ибратли ишларга бош бўлмоқда.

Шовот канали устидан ўтган, пиёдалар учун мўлжалланган кўприкни таъмирлаш бўйича сайловчилар илтимосини ижобий ҳал қилишга эришди. Бундан ташқари, фидойи депутатнинг Саховат маҳалласи ички йўлларини таъмирлаш, кўчаларда автобус қатновини йўлга қўйиш бўйича муражаоти ҳам эътиборсиз қолмади. У "Энг яхши депутат" республика кўрик-танловида учинчи ўринни эгаллаган. "Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси" ва "Ишбилармон аёл" республика кўрик-танловларининг голиби.

Саховат ва муруват тадбирларини ўтказиш, кексаларнинг ҳўлидан хабар олиш асосий вазифасига айланиб улгурган Нигора Қўшжонованинг асл мақсади ҳам эзгуликка хизмат қилишдир. Бу йўлда у тиниб-тинчимайди. Чунки, эзгуликнинг асосий белгиси ҳўаракатдир, деган шир унинг ҳўёти мазмунига айланиб улгурган.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА
Хоразм вилояти

ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА

- ✓ Юртимизда фермерлик ҳўаракатига кенг йўл очилгани қишлоқ инфратузилмасини тўддан ўзгартириб юборди. Бухоро вилоятида бугунги кунда 11 минг 900 та тадбиркорлик субъекти, 6800 та фермер ҳўжалиги вилоят иқтисодиётини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Мулкдор оилалар
кўпаймоқда

Бу борада, айниқса, партия Бухоро вилоят Кенгашининг тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан ўтказилаётган тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса "Мулкдор оила" лойиҳасига мувофиқ 2014 йилда 96 нафар иштирокчига тижорат банклари томонидан 1 миллиард 419 миллион сўмлик кредит ажратилиб, 226 та иш ўрни яратилди. 2015 йилда эса лойиҳанинг вилоят босқичи якунига кўра 105 нафар иштирокчига 2 миллиард 326 миллион сўмлик кредит ажратилиб, шаҳар ва туманларда 236 та янги иш ўрни яратишга муваффақ бўлинди.

Ушбу тадбирлар, ўз навбатида, қишлоқда кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликни тараққий эттиришда муҳим аҳамият касб эттиши шўбҳасиз.

Сувон ЖўРАЕВ,
O'zLiDeP Бухоро вилояти Кенгаши
тадбиркорлик ва фермерликни
қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи

- ✓ Алпомиш Нуралиевни қизгин иш устида учратдик. Бир қарасангиз, у теримчилар ҳўзурида, яна бир пайт тарозибонга ёрдамга ошиққан. — Кечга томон хирмонжойга бориб, бугунги ишларни сарҳисоб қиламан, — дея сўз бошлади Жарқўрғон туманидаги "Соқчи-дон-экспорт" фермер ҳўжалиги раҳбари, O'zLiDeP аъзоси Алпомиш Нуралиев. — Тадбиркорлар оиласида ўсганим учунми, бу соҳага қизиқишим баланд. Ота-онам, акамнинг изидан бориб, ўтган йили фермер ҳўжалиги ташкил этдим.

Алпомишдек
издошларимиз бор

Йил бошида мени туманимизда O'zLiDeP фаоллари иштирокидаги тадбирга таклиф этишди. Ушанда партиянинг Устави, Дастури ва лойиҳалари билан танишгач, уларда акс этган гоёллар мақсадларим билан муштараклигини англадим. Ҳозирда ҳўжалигимизда партиянинг бошланғич ташкилоти мавжуд бўлиб, аъзоларимиз сони 10 нафар.

Аҳоли, айниқса, ёшларнинг тадбиркорликка қизиқиши кучли. Жарқўрғон туманида "Жарқўрғоннефтикайташлаш", "Сурхон текс", "Чарогон текстил" сингари йирик сановат корхоналарининг самарали иш юритаётгани, кичик ва ўрта бизнес субъектлари сонининг ортиб, ушбу соҳалар раванқ топишида O'zLiDeP фаолларининг ҳам муайян, ҳиссаси борлигидан хурсандим, — дейди мазкур бошланғич партия ташкилоти аъзоси Дўлбар Олтибоева.

32 ёшли фермер Алпомиш Нуралиев айни пайтда ҳўжалиги фаолиятини кенгайтириб, боғдорчиликни ҳам йўлга қўйган. Энг муҳими, фермер ҳўжалиги жойлашган "Нури диёр" маҳалласида ободонлаштириш, кўкчаларни янгилаш, иқтисодий муҳофазасига қаратилган тадбирларга у имкони борича ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Муҳиддин ЖАБОРОВ

Сурхондарё вилояти

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

- ✓ Кўштета туманидаги Дўрмон қишлоғида жойлашган 10-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилган "Ўзбекистон — умумий уйимиз" фестивали кўтаринки кайфиятда ўтди. Фестиваль меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкам боғлаб, қишлоқда бахтиёр умр кечираётган ўзбек, тожик, қирғиз, турк миллати вакилларини ягона мақсад йўлида бирлаштирди. Меҳмонлар дастлаб нон-туз билан сийланиб, карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг ижодий ишлари кўргазмаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дўстлик
фестивали

"Гўзал ва бетакоримсан, мустақил Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шир остида ўтказилган анжуманда сўз олганлар томонидан миллатлараро тотувлик ва аҳиллик эзгу умумбашарий қадрият эканлиги, турли миллат вакилларининг ўзаро ҳамжиҳат ва иноқлиги давлат тараққиёти, тинчлик ва барқарорлик кафолати бўлиб хизмат қилиши, ўғил-қизларнинг фан, маданият, санъат, спорт, ҳўнармандчилик соҳасида эришаётган ютуқлари эътироф этилди. Тадбирда ўқувчилар турли тилларда шеър, қўшиқ ва рақс ижро этишди. Шунингдек, ёш ҳўнармандларнинг миллий кўргазмаси намойиши бўлди.

Ана шундай тадбирлар Риштон туманидаги Навбахор, Ёзёвон туманидаги Қоратепа қишлоғида ҳам бўлиб ўтди.

Муҳаммадjon МАҲМУДОВ,
Фаргона вилояти

Ерни севсанг, эл севади

- ✓ Ўзинг яшаётган заминнинг гўзаллигини ҳис қилиб яшаш бахт. Бир томонда буй чўзган осмонўпар тоғлар, иккинчи томони яшил экинзорлар шовуллаб турган бепаён юртимиз чиндан-да мафтункор.

Қашқадарё вилоятининг Қашаши туманидаги "Бунёд" фермер ҳўжалиги раҳбари, O'zLiDeP фаоли Уроқ Боймурзаев ана шундай гўзалликдан баҳра олиш учун ҳар тонг қадрдон даласи томон ошиқади. Бунинг заводи бўлачак. Суяги меҳнатда қотган Уроқ ака 23 йилдан бери она замин билан тиллашади, меҳрини аямайди.

— Асли касбим иқтисодчи, — дейди ў. Боймурзаев. — Банкда ҳисобчи бўлиб ишлардим. Ерга бўлган меҳр кўнглимга тинчлик бермади. Шу туфайли 1994 йилдан фермерлик фаолиятини бошладим. Шўқри, ер алдамайди. Уни қанча эъзозласанг, у ҳам тўқилган ҳалол пешона теринг эвазига олтинларни ҳўда

этади. Жорий йилда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов фармонида бинон "Шўқрат" медали билан тақдирланишим эса камтарона меҳнатларимга кўрсатилган юксак эҳтиром бўлди. Кўзлаган мақсадларимиз бирин-кетин рўбга чиқмоқда. Ҳар йилги даромадимиздан ҳўжалигимиз эҳтиёжи учун зарур ускуна ва техника сотиб олаёламиз.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — дейди воҳаликларга хос виқор билан қулиб уста миришкор. — Мен дала ҳавосидан баҳра оладиган инсонман. Доим бирор янгиликка қўл урсам дейман. Икки йил аввал 5 гектар майдонда Чехия давлатидан 5 минг туп олма кўчатини келтириб экиб, интен-



сив боғ яратдим. Бугун ўша ниҳоллар ҳўсил бериш арафасида.

Биласизми, кундалик юмушлардан ортиб, шу боғимга кирсам, ўзимни умуман бошқа дунёдагидай ҳис этман. Ишонасизми-йўқми, дов-даракларимнинг ҳар бири билан "суҳбатлашман", 145 гектар еримнинг ҳар қаричи менга таниш.

Ана шундай пайтларда янгидан янги орзу-мақсадлар тугилади. Тумандаги истироҳат боғи ҳўдудидан бир гектар ер олиб, болажонларимиз учун кўнгулчар майдонча барпо этиб, миттвойлар кўнглини олиш ниятим

бор. Қолаверса, бу йил пахтадан 153 тонна ҳўсил етиштиришни мўлжаллаб турибмиз. Чўл шароити сувни тежаб-тергаб ишлатишни талаб қилгани учун келгусида томчилаб сугориш тизимини йўлга қўймоқчимиз.

Давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, эл-юрт ободлиги, эзгулик йўлида ҳўрмай-толмай изланаётган фермер Уроқ Боймурзаевнинг ёруғ ниятлари ижобат бўлишига биз ҳам тилақдошимиз.

СеваРА АЗИМОВА,
"XXI asr" муҳбири



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Энг муносиблар делегатликка сайланмоқда

« Давоми. Бошланғич 1-сифида»

ВАКИЛ СИФАТИДА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Ана шундай тадбирлардан бири Наманган шаҳридаги вилоят кардиология марказидаги кўйи бўлиб ҳам бўлиб ўтди. Унда таянч тузилма раиси, Халқ депутатлари Тўрақўрган тумани Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Абдурахим Жўраев партия Сиёсий Кенгашининг V мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини кўрсатиш таклифи бир овоздан қўллаб-қувватлангани ҳақида ахборот берди.

Вилоят кардиология маркази бош шифокори, бошланғич ташкилот фаоли Нуриддин Баҳриддинов Биринчи Президентимиз бошлаб берган мустақил тараққиёт йўлини изчил давом эттира оладиган муносиб номзод сайлаш юрт келажаги учун жуда муҳимлигини қайд этди. Шунингдек, партияимиз номидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига юртдошларимизни ягона мақсад йўлида жипслаштиришга қодир, давлат ва жамият бошқарувида бой тажриба тўплаган Шавкат Мирзиёевнинг номзоди кўрсатилганидан мамнунлигини билдирди.

Муҳокамалардан сўнг Абдурахим Жўраев партия шаҳар Кенгаши конференциясига делегат этиб сайланди.

Акциядорлик тижорат «Агробанк» Учқўрган туман филиалидаги бошланғич ташкилот умумий йиғилиши ҳам юқори савияда ўтди. Таянч тузилма раиси Акмалжон Саидназаров иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси бошлангани, бу муҳим сиёсий жараёнда партияимиз фаол иштирок этиши, сайловолди чора-тадбирлари белгилангани, партия туман ва шаҳар бўлиmlари конференцияларига делегатлар сайлаш қизгин тус олганини маълум қилди.

Сўзга чиққан фаоллар Биринчи Президентимиз, мустақиллигимиз меъмор, давлатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўлини белгилаб берган «Ўзбек модели» асосчиси Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилган ислохотлар, бу жараёнда банкларнинг ўрни ҳақида фикр юритишди. Бўлажак сайловда мазкур ислохотларни янгича bosқичга кўтарилган, юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарор сақланишини таъминлайдиган инсонни давлат раҳбари лавозимига сайлаш борасида мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилиш иштирокчилари партия туман ташкилоти конференциясида иштирок этувчи энг муносиб вакиллар учун овоз беришди.

Партия ҳақиқий демократиянинг олий мазмуни – бу шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатлар уйғунлиги бўлиб, унда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшаш, деб ҳисоблайди. Демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда, авваламбор, жамиятнинг ўзи бунинг бошида бўлиши керак. Партия фуқароларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ манфаатларига мос келадиган, жамият ҳаёти ва давлатни бошқаришда масъулият билан қатнашишга имкон берадиган нодавлат ташкилотлар кенг тармоқли тизимини яратишни стратегик вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди.

O'zLiDeP дастуридан

ЯҚДИЛЛИК БИЛАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Барча ҳудудларда бўлганидек, O'zLiDeP Бухоро вилоят Кенгаши таркибига кирувчи бошланғич ташкилотларда ҳам партия туман ва шаҳар ташкилотлари конференцияларига делегатлар сайланишига бағишланган умумий йиғилишлар ўтказилмоқда.

Хусусан, Пешку туманидаги «Малишояк» фермер хўжалигида фаолият кўрсатаётган партия кўйи бўлиб ҳам шундай тадбир бўлиб ўтди. Мазкур таянч тузилма 61 нафар маслақдошимизни бирлаштирганни қайд этиш зарур.

Ушбу БПТ етакчиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Санам Жумаева саъй-ҳаракатлари алоҳида эътиборга молик. Жумладан, кўйи тузилма ташаббуси билан тумандаги корхона ва ташкилотларда ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатларида депутатлар, олимлар чиқишлар қилиб, сайловлар кучли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишининг асосий шакли ҳисобланиши хусусида сўз юритишляпти.

Санам Жумаеванинг «Малишояк» фермер хўжалиги бошлиғи сифатидаги фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Худуд иқтисодиётини мустаҳкамлаш, эл-юрт фаровонлигини оширишга ушбу фермер хўжалиги аъзолари муносиб ҳисса қўшишмоқда.

БПТ йиғилишида сўз олган фаоллардан Муслима Тўева, Садри Холиқов, Бекмурод Тўшев партия туман ташкилотининг навбатдаги конференциясига С. Жумаевани делегат этиб сайлаш таклифини илгари суришди. Йиғилганларнинг барчаси ишчан, ташаббускор аёлга вакил сифатида ишонч билдиришди.

ЯНАДА ФАОЛЛИККА УНДАЁТГАН МАСЪУЛИЯТ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах туманидаги «Bagira tex» масъулияти чекланган жамиятида фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилиши ташкил этилди.

O'zLiDeP туман бўлими бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўйича бош консультанти Алишер Солиев шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш жараёнида таянч тузилмалар зиммасидаги долзарб вазифалар, айниқса, ҳар бир аъзонинг партиявий масъулиятини кўчатириш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тўплаганлар партия туман Кенгаши конференцияси делегатлигига БПТ етакчиси Ботир Каримов номзодини ёқлаб овоз беришди.



Эътиборли жиҳати, партия худудий ташкилоти масъулларининг маълум қилишича, ушбу ҳафта давомиди вилоятдаги 530 та бошланғич партия ташкилотларининг барчасида умумий йиғилишлар ўтказилиб, O'zLiDeP туман ва шаҳар Кенгашлари конференцияларига делегатлар сайланади. Сиёсий кампания жараёнида партиянинг барча бўлиmlари ва бошланғич партия ташкилотларида тегишли тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳам уюштирилади.

КОНФЕРЕНЦИЯДА ҚАТНАШИШ ВАКОЛАТИ БЕРИЛДИ

СУРХОНДАРАЁ ВИЛОЯТИ

Яқинда Қумқўрган туманидаги «Қобил Эшқобилевич» фермер хўжалигида янги БПТ иш бошлади. Мазкур хўжалик бошлиғи, кўйи тузилма етакчиси этиб сайланган Қобил Умбаровнинг айтишича, БПТ тузилиши айна муддао бўлди. Зеро, эндиликда саккиз нафар ҳаммаслагимиз ташаббуслари, тақлифлари мувофиқлаштирилади, партия юқори органлари, депутатлар билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Бундай ҳамжиҳатлик партияимизнинг масъулияти сиёсий кампания – Ўзбекистон Республикаси

Президенти сайловига тайёргарлиги жараёнида алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур жараённинг тобора қизгин тус олаётгани эса бошланғич ташкилотлар умумий йиғилишларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Тилга олинган хўжаликдаги партия таянч тузилмасида ҳам ана шундай муҳим тадбир кўтарили руҳда бўлиб ўтди.

Партия маҳаллий ташкилоти аппарати раҳбари Ёқуб Менглибоев сўзга чиқиб, O'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг жорий йил 16 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида партияимиздан Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига партия Сиёсий Кенгаши аъзоси Шавкат Мирзиёев номзодини кўрсатиш таклифи илгари сурилганини тумандаги сафдошларимиз, электоратимиз ва

киллари ва хайрихоҳларимиз ҳам маъқуллаётганини қайд этди.

– Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган муҳим фикрлар юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади, – деди Ё. Менглибоев. – O'zLiDeP аъзолари сифатида уларнинг мазмун-моҳиятини худуддаги ҳар бир кишига етказишимиз лозим.

Йиғилиш иштирокчилари партия туман ташкилотининг навбатдаги конференциясига делегат сайлаш масаласини муҳокама қилишди. Кўпчилик овоз билан конференцияда қатнашиш ваколати Қобил Умбаровга берилди.

Республикаимизнинг бошқа вилоятларида ҳам бошланғич ташкилотларнинг умумий йиғилишлари юқори савияда, очкилик ва ошқоралик тамойиллари асосида ташкил қилинмоқда. Эътиборлиси, мазкур жараён партияимиз таянч нуқталарининг зиммасидаги вазифаларга масъулият билан ёндашаётганини яна бир қарра намойиш этмоқда.

Вилоят мухбирлари ҳамда O'zLiDeP маҳаллий Кенгашлари томонидан тақдим этилган материаллар асосида Б. Исроилов тайёрлади

“Мақсад – имкониятдан унумли фойдаланиш”

дейди Хатирчи туманидаги “Зокиржон Улуғмуродов” хусусий корхонасидаги БПТ етакчиси З. Улуғмуродов

Хатирчи – Навоий вилоятининг аҳолиси энг кўп туманларидан бири. Бу ерда кейинги йилларда сафдошларимиз томонидан тарғибот ишлари анча жонланди. Сабаби, O'zLiDeP туман Кенгаши аъзолари ўз соҳасининг билимдони бўлган янги ташаббускор кучлар келиб қўшилди.

Бугунги кунда туманда фаолият юритаётган 48 та бошланғич партия ташкилоти мингга яқин маслақдошимизни бирлаштирган. Ҳолбуки, бундан 2 йил олдин кўйи бўлилар 30 та, партия аъзолари эса 500 дан зиёд эди.

– Партия вилоят Кенгаши аппарати ходимлари, депутатлар томонидан таъсирчан воситалардан фойдаланилган ҳолда тарғибот ишлари ўтказилиши, O'zLiDeP маҳаллий ташкилотлари ва бошланғич ташкилотларга ҳар жиҳатдан кўмак берилиши, мулоқотларга тадбиркор ва фермерларнинг жалб этилиши,

айниқса, хусусий сектор субъектларида таянч тузилмалар ташкил этилиши муваффақиятларга йўл очмоқда, – дейди партия Хатирчи тумани Кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш бўйича бош консультанти Сардор Агзамов.

Дарҳақиқат, туманда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида тузилган кўйи бўлиmlар сони тобора кўпайиб бораётир. – Мамлакатимизда хусусий мулкдорлар учун қўлай шароит яратилди, – дейди “Зокиржон Улуғмуродов” хусусий корхонаси раҳбари Зокиржон Улуғмуродов. – Кечagina фақат ички бозорни таъминлаш ҳақида қайғурган тадбиркор ва фермер бугун жаҳон бозорини забт эта бошлади. Ўз навбатида соҳанинг янада тараққий этишига тўсқинлик қилаётган баъзи ғовлар мавжудлигидан кўз юма олмаймиз. Уларни баратараф этиш учун ҳаммамиз

бир ёқдан бош чиқариб иш олиб боришимиз зарур. O'zLiDeP бизга ана шундай имконият бермоқда. Шунингдек, бу партия ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик даражамизни ошириш, жамият раванга йўлида фаоллик кўрсатишимизга кўмаклашмоқда. Яқинда партия аъзоларига қабул қилишни сўраб туман Кенгашига мурожаат қилган эдим. Илтимосим инobatта олиниб, мени партия сафига қабул қилишди.

Беш нафар жамоадоши ҳам Зокиржонга эргашиб, аъзоликка киришди. Корхонада партия таянч тузилмаси ташкил этилишига бағишланган таъсис йиғилишида ҳаммаслақлар корхона раҳбарини ўзларига етакчи қилиб сайлашди.

– Беш нафар жамоадоши ҳам Зокиржонга эргашиб, аъзоликка киришди. Корхонада партия таянч тузилмаси ташкил этилишига бағишланган таъсис йиғилишида ҳаммаслақлар корхона раҳбарини ўзларига етакчи қилиб сайлашди.



дунё эътирофига сазовор бўлаётгани, аҳоли фаровонлиги юксалиши бўйича жаҳондаги етакчи ўринларни эгаллаётгани ҳам олиб борилаётган доно сиёсат ва юртдошлар аҳиллигидадир. Хусусий корхонаимиз музқаймоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган тумандаги ягона субъ-

ект бўлганлиги учун ҳам ҳамкорларимиз кўпаймоқда. Ана шу имкониятдан унумли фойдаланиб, жойларда тарафдорларимиз, сафдошларимизни кўпайтиришни мақсад қилдик.

Мансур АСЛОНОВ
“XXI asr” мухбири

ФАОЛИЯТ

МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА

МУЛК ВА МАЪНАВИЯТ УЙҒУНЛИГИ жамият тараққиёти кафолатидир

Истиқлол халқимизнинг дунёқарши, онгу тафаккурини ўзгартирди. Халқимиз бугун машина олиш, хорижга саёҳат қилиш, бола-чақасининг яхши яшаши учун шароит яратиш ҳақида ўйлаётди. Кеча отасидан қолган меросни меники дейишга қўрқадиган одам бугун “Мен мулкдорман”, “Маҳсулотимни чет элга экспорт қилишни бошладим”, “Қорхонамнинг фаолиятини ривожлантириш учун хорижий ҳамкорлар билан шартнома имзоладим”, дея баралла айтаётди. Ўтган чорак аср мобайнида янги тафаккур маҳсули – хусусий мулк ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Истиқлол биз учун мутлақо янги – мулкдорлар синфини шакллантирди.



Янги синфнинг шаклланиши энди ўз навбатида олдимизга “Мулкдор маънавияти қандай бўлиши керак?”, деган масалани ҳам қўндаланг қўймоқда. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган давлатда ҳамма нарса бозор муносабатларига мутаносиб бўлиши, халқона тил билан айтганда ҳамма нарса пул билан ўлчаниши айна ҳақиқат. Ана шу ҳаёт ҳақиқатини англаган Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов 1990 йилдаёқ Олий Кенгашининг ўн иккинчи чакриқ биринчи сессиясидаги нутқида “Президент фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг ахлоқий ва жисмоний тақомиллидир”, деб айтган эди. Бу бозор муносабатларига эндигина ўтаётган мамлакат учун бозор шароитида маънавият тушунчасини шакллантириш нақадар муҳим бўлганини кўрсатади.

Таъкидлаш керак, ҳар қандай янгилик жамиятнинг бир бўлагига айланмагунча сувнинг юзига қалқиб турган пўкадек кўриниб қолмади. У ҳақида турли фикрлар, хулоса ва тахминлар айтади. Ана шу янгилик жамият томонидан қабул қилинган унинг яхши ва ёмон томонлари, хусусиятлари ҳақида фикр юритиш мумкин. Чорак аср давомида шаклланган мулкдорлар синфи бизни унинг маънавияти ҳақида фикр юритишга, мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишга ундади.

Шу ўринда ўзбек мулкдорининг бугунги тафаккури ва дунёқарши ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтайлик. Бундан олти ойча аввал кишлоғимиздаги бир фермер билан суҳбатлашиб қолдим.

– Яқинда туманимиз ҳокими қабулида бўлдим, – деди у. – Фаолиятимни кенгайтириб, кишлоғимизнинг катта қўнғача тушаш жойида тўйхона қурмоқчиман. Кишлоқ одамлари яхши кунларини бизнинг тўйхонада нишонласа, деган ниятдаман.

Уйга келиб телевизорни кўйдим. “Ахборот”да қашқадарёлик бир тадбиркорнинг сўзларини эшитдим:

– Иш бошлаганимизга кўп вақт бўлгани йўқ, – деди тадбиркор. – Ҳозир 10 дан ортиқ кишини иш билан таъминладим. Қорхонамиз нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлса-да, яқиндан қандадиган маҳсулотларини ҳам эл дастурхонига тортиқ қилаёмиз. Натижада иш кўлами кенгайди, маҳсулот тури ошди. Келажакда сутни қайта ишлашни йўлга қўймоқчимиз. Даромадимизни янада кўпайтиришни режалаштиряёмиз.

Бугунги мулкдорлар билан суҳбатлашсангиз уларнинг аксариятидан ана шундай қувончбах сўзларни эшитасиз. Демак, мулкдорлар синфининг умумий тафаккури – фаолиятини янада ривожлантириш ва даромад манбаларини кўпайтиришдан иборат. Бу бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган тадбиркорнинг ҳаёт фалсафасига айланган.

Тўғри, баъзи тадбиркорларнинг хайрия тадбирларини ўтказётгани, ёлғиз, боқувчисини йўқотган қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар аҳолидан хабар олаётгани ҳақида эшитиб қоламиз. Даврий нашрлар орқали кишлоқ йўлларини асфальт қилиш ёки мактабларни таъмирлашда ҳомийлик қилаётган ишбилармонлар ҳақида ҳам кўп ўқиганмиз. Аммо, бу ишлар улар учун хайрия тадбири холос, ҳали ижтимоий масъулиятга айлангани йўқ. Бугунги мулкдорларимизда “Аҳоли ҳаёт тарзини яхшилаш ва маънавиятини юксалтиришда мен жавобгарман”, деган ижтимоий фикр тўла шаклланмаганини аччиқ ҳақиқат бўлса-да, тан олишимиз керак. Ваҳоланки, халқ, миллат тақдирини ўйлаган ҳар бир киши мулк ва маънавият тушунчасини ўзаро уйғунлаштириш ва уни жамият тараққиётига хизмат қилдириш ҳақида бош қотиради.

Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асаридеги “...Биз иқтисодий ўнгиланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш жараёнининг маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомла уйғун равишда ривожланиб боришини доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказига қўйиб келмоқдамиз”, деган фикри, энг аввало, мулкдорларнинг ижтимоий масъулиятини оширишга қаратилганини ҳаммамиз яхши англаймиз. Биринчи Президентимиз маънавият мулкдан олдин пайдо бўлган тушунча эканини алоҳида таъкидлаганида минг бора ҳақ эди...

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўтган чорак аср давомида мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ислохотлар, таълим тизимидаги янгиланишлар, тарихий қадамжоларимизнинг обод қилиниши халқимиз маънавиятини юксалтирди. Ўзига ишончини мустаҳкамлади. Тафаккуримизга буюк аждодларнинг авлодлари, давомчилари буюк ишларга қодир деган тушунчани шакллантирди. Ана шундай миллий руҳ – маънавий барқарорлик бугунги ютуқларимизнинг бош омил бўлиб хизмат қилаётди. Зотан, маънавий юксалиш иқтисодий тараққиёт кафолатидир.

Маънавият масаласи қарийб икки аср давомида ярим дунёни зир титратган Темурийлар давлатининг диққат марказида бўлиб, барча аҳоли қатлами, айниқса, мулкдорларнинг энг муҳим вазифасига айланган. Ўша даврда хон ва амирлар, кичик амалдор ва мулкдорлар ўз маблаг ҳисобидан бунёд этган кўприк ва хонақоҳлар, масжид ва мадрасалари юртимизда бундан 6-7 аср илгариеқ мулкдор маънавияти шаклланганини кўрсатади.

Бу борада ҳазрат Алишер Навоийнинг бир неча кўприк ва ҳаммомлар қуриб бергани фикримизнинг ёрқин исботидир. Шу

боис Темурийлар салтанати узоқ вақт гуркираб яшанди. Юртбошимизнинг “Амир Темурийларнинг бошқатдан ўрганишимиз лозим. Нега деганда, Амир Темурийларнинг ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан”, деган пурмаъно сўзлари буюк саркарда бунёд этган давлатга авлодларнинг юксак ҳурмат-эътироби намунасида.

ЎзЛиДеР ҳам инсониятнинг ана шундай абадий муаммосига ечим излашни ўзининг устувор вазифаси деб қарайди. Партия мулкдорлар қатламига мамлакатимизнинг моддий, маънавий бойлиқларини яратиш ва кўпайтиришда улкан роль ўйнайдиган, фуқаролик жамиятининг таянчи ва суянчи, ислохот ғояларини тарғиб этиш ва амалга оширишда асосий куч сифатида қарайди. Улар – ташкилотчилик таърибига эга, ҳар томонлама чуқур ўйлаб қарор қабул қиладиган, ўз ишининг оқибати учун жавоб берадиган инсонлардир. Мулкдорлар, авваломбор, ўз меҳнати, иродаси ва куч-ғайрати билан фаровонликка эришадиган, ўз келажagini шу замин билан боғлаган, ўзи ҳамда фарзандлари тақдирини Ватан тақдирини айри тасаввур этолмайдиган, жамиятда ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун масъулиятни ҳис этадиган кишилар.

Демак, ЎзЛиДеР мулкдорларга нафақат иқтисодий, балки маънавий тараққиётимизнинг энг муҳим бўғини сифатида қарайди ва улар манфаатини ҳимоя қилади. Бундан хулоса қилиб, партия фақат даромад олиш ҳақида ўйлайдиган тадбиркорни эмас, балки қонунларга итоаткор ва жамиятнинг маънавий қиёфаси учун ўзини масъул деб ҳисоблаган тадбиркорни қўллаб-қувватлайди. Ана шу жиҳат унинг сийсий куч сифатидеги мувақеини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Ҳасан САЛОМОВ,
“XXI as” мухбири

УЧИНЧИ СЕКТОР:

ФАНДРАЙЗИНГ – янги тажриба

Пойтахтимизда “Фандрайзинг ва ҳомийлик фаолияти ривожланишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари: халқаро тажриба ва Ўзбекистон амалиёти” мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Адлия вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раиси А. Каримов ва бошқалар ННТларни ривожлантириш, давлат ва жамиятни бошқариш, мамлакатимизни демократик янгилашда уларнинг ўрни ҳамда аҳамиятини изчиллик билан оқшатириш борасида амалга оширилган ислохотлар самараси ҳақида сўз юрди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили муҳим омил бўлмоқда.

Қайд этилганидек, Европа мамлакатларида “учинчи сектор” вакиллари учун фандрайзинг фаолиятини ривожлантириш бўйича асосий тамойил ва

қадриятларни белгилловчи фандрайзинг этика кодекси амал қилмоқда. Буюк Британияда эса ушбу фаолиятни ривожлантириш мақсадида Фандрайзинг институти, Фандрайзинг стандартлари Кенгаши, Ҳомийлик бўйича комиссия каби махсус институтлар самарали фаолият юритмоқда.

Давра суҳбати давомида асосий эътибор нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан қўллаб-қувватланаётгани қайд этилди. Шунингдек, “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонуннинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилди.

Тадбир сўнггида юртимизда ушбу соҳа ривож учун қилинаётган ишлар ва уларнинг самарали хусусида фикр ва мулоҳазалар алмашилди. Муҳокамалар давомида иштирокчилар томонидан фандрайзинг ва ҳомийликни ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлаш зарурлигини эътироф этишди.

Сардор ТУРОБОВ



Ахборот хавфсизлиги – давр талаби

Жамият тинчлигига раҳна соловчи омирлардан бири бу – ахборот хуружидир. Бугун ҳар қандай ҳудуд ёки минтақада нотинчлик, носоғлом фикр уйғотиш инсонлар тафаккурини ёлғон ахборотлар билан бошқариш орқали амалга оширилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис аҳолида, биринчи навбатда, ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш ҳар қандай жамиятнинг энг устувор вазифасига айланиб бораётди. ЎзЛиДеР Сирдарё вилоят Кенгаши томонидан ташкил этилган “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш – давр талаби” мавзусидаги амалий семинарда шу ҳақида сўз борди.

Унда ЎзЛиДеР Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши аъзолари, депутатлар, Республика Маънавият тарғиботи маркази шаҳар бўлими, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари ва журналистлар иштирок этди. Тадбирда интернет тармоғидан самарали фойдаланиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгини турли зарарли мафқуравий таъсирлардан асраш, ёшларни “оммавий маданият”нинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиш ҳар доимигиданда долзарб эканлиги таъкидланди. Йигит-қизларимизни турли таҳдидлардан асраш уларнинг маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этади. Маънавий баркамол шахс эса ватанпарвар бўлиб вояга етди, Ватан тараққиётига чин дилдан ҳисса қўшиб яшашни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди. Бунинг учун бу каби тадбирлар сон ва сифатини оширишимиз ёшларни ўтган чорак аср давомида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар билан яқиндан таништиришимиз, уларнинг онг шуғурида тинч ҳаётимизнинг бардавомлиги учун барчамиз масъул эканлигимизни янада кенгроқ сингдиришимиз лозим.

Дилшод ТўРАҚУЛОВ,
ЎзЛиДеР Сирдарё вилоят Кенгаши
ҳузуридаги Сийсий таълим маркази раҳбари



ФЕРМЕР ҲЎЖАЛИГИ ТАШКИЛ ЭТМОҚЧИМАН

– Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер ҳўжалиги ташкил этиш ниятим бор. Илтимос, бундай ҳўжаликларга ижарага бериладиган ер участкаларининг ўлчами ҳақида маълумот берсангиз?

Н. Эгамов,
Сариосиё тумани

– “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида фермер ҳўжалигини ташкил этиш шартлари белгилаб қўйилган. Унга кўра фермер ҳўжалиги кишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларда ва захира ерларда ташкил этилади.

Энди сизнинг саволингизга келсак, деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер ҳўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва галлчилик учун камида 30 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 5 гектарни ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер ҳўжалиги ўз зиммасига кишлоқ ҳўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмағлигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

МИКРОКРЕДИТ ҚАНЧА МИҚДОРГАЧА БЕРИЛАДИ?

– Жорий йил касб-ҳунар коллежини битирдим. Илтимос, тижорат банклари томонидан колледж битирувчиларига бериладиган микрокредитлар миқдори ҳақида маълумот берсангиз?

Б. Холмуродова,
Яккабоғ тумани

– Марказий банк бошқарувининг 2016 йил 16 январдаги қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги низоимнинг 4-бандига асосан, микрокредит:

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган қарз олувчиларга – энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача;

юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритаётган қарз олувчиларга – энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорда қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

Шунингдек, ушбу низоимнинг 5-бандига кўра, микрокредит қарз олувчига кредит ажратилаётган лойиҳаниннг ўзини-ўзи қоплаши ҳисобга олинган ҳолда:

фаолиятни бошлаш учун айлана маблагларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқишга – 12 ой муддатгача;

кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш ташкил этиш учун айлана маблагларини тўлдиришга, шунингдек, асбоб-ускуналарни сотиб олишга – 2 йил муддатгача;

инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун – 3 йилдан ортиқ муддатга берилишини маълум қиламиз.

АХБОРОТ БИЛАН БЕПУЛ ТАЪМИНЛАНДИМИ?

– Айтина-чи, амалдаги қонунларимизда тадбиркорлик субъектларининг ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқи қандай кафолатланган?

Г. Ҳимматова,
Богот тумани

– “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 30-моддасига кўра, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларига мазкур субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаш шарт. Ахборотдан фойдаланиш қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот бепул тақдим этилади, бошқа ахборотни тақдим этганлик учун эса белгиланган тартибда ҳақ ундирилиши мумкин.

Давлат статистика органлари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган статистика ахбороти мунтазам эълон қилиб борилишини таъминлайди.

ОИЛА АЪЗОЛАРНИНГ РОЗИЛИГИ ШАРТМИ?

– Фермер ҳўжалигининг устав фонди шакллантирилаётганда фермер ҳўжалиги бошлиги оила аъзоларининг розилигини олиш талаб этиладими?

Ш. Бекмуродов,
Бука тумани

– “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддасига биноан, фермер ҳўжалигининг устав фонди фермер ҳўжалиги бошлиги томонидан белгиланади.

Пул, қимматли қозғошлар, бинолар, иншоотлар, бошқа мол-мулк ёки пул билан баҳоланадиган мулк ҳўқуқлар фермер ҳўжалигининг устав фондига қўшилидиган ҳисса бўлиши мумкин. Бунда фермер ҳўжалигини юритиш учун ер участкаси бериш бўйича оқиқ танловда кўрсатиб ўтилган мол-мулк, техника ва пул маблаглари фермер ҳўжалиги бошлиги томонидан фермер ҳўжалигининг устав фондига киритилади.

Агар фермер ҳўжалигининг устав фонди шакллантирилаётганда фермер ҳўжалигининг бошлиги ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулк ҳисобланган мол-мулкни фермер ҳўжалигига топшираётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Саволларга Фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент вилояти судининг судьяси
Сайёра ҚОШАЕВА жавоб берди

ИМКОНИЯТ

ЭКОЛОГИЯ

Мўтадил ҳарорат таъминланади (ми?)

Озон пардаси радиациянинг 99 фоизини тутиб қолиб, сайёрамиздаги мўтадил ҳароратни таъминлайди. Айниқса, музлатгичларнинг жадал ишлаб чиқарилиши озон қатлами парчаланишини тезлаштиради. Сабаби мазкур маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган моддалар озон билан реакцияга киришиб, уни емиради, натижада қатлам юқалашиб, ультрабинафша нуруни қайтариш кучи камаяди.

Табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури ҳамда Глобал экологик фонди ҳамкорлигида Фаргона ви-

лоятда "Иқтисодий ётиш давридаги мамлакатлар ҳудудида озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни жадал қисқартиришнинг бирламчи бажарили-

ши" қўшма лойиҳаси доирасида тадбир бўлиб ўтди.

Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш кўни муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирда таъкидланганидек, озон қатлами тирик организмларни қувшининг ультрабинафша нури зараридан асровчи қалқондир. Ўз навбатида, ушбу қатламини тиклаш бўйича жаҳон бўйича қўрилаган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётди. Таҳлилларга кўра, озон қатламининг тикланиш жараёни тезлашган ва асримиз ўрталарида мавжуд озон туйнуқлари тўлиқ қопланади.

Тадбир доирасида Наманган вилоятида музлатгичларни таъмирлаш йўналишида фаолият кўрсатаётган Поп шаҳридаги "Тўхтазаров Бахтиёр" ва Чуст шаҳридаги "Olmos Farm Text" корхоналарига лойиҳа доирасида 9 турдаги махсус асбоб-ускуналар топширилди. Мазкур ускуналар музлатгичларни таъмирлаш жараёнида атмосферага хладагентларни чиқармасликка хизмат қилади.

Комилжон ФАЙЗИЕВ, "XXI asr" мухбири

Мустақиллик йилларида барча соҳалар қатори геодезия ва картография соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида қўл меҳнати билан бажариладиган мураккаб иш жараёнлари ўрнига замонавий, рақамли технологиялар жорий этила бошланди. Жумладан, электрон тахеометрлар, юқори аниқликдаги GPS ўлчов асбоби ҳамда энг сўнгги русумдаги компьютер ва дастурлар билан тўлиқ таъминланди.

Геодезия ва картография:

илғор ва замонавий технологиялар сари

Ҳозирги кунда "Ерgeoдезкадастр" давлат кўмитаси томонидан 200 дан ортиқ турдаги картографик маҳсулотлар ўзбек ва рус тилида нашр этилмоқда. Таълим муассасалари учун атлас ва контур хариталар, Ўзбекистон Республикасининг умумий географик ва сиёсий-маъмурий харитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ўлкашунослик ҳамда маданий мерос объекти атласлари яратилди. Бундан ташқари, савҳатчилар учун юртимизнинг диққатга сазовор жойлари, жумладан, тарихий обида ва қизиқarli объектлар тасвирланган хариталар ўзбек, рус ва инглиз тилида чоп этилди. Шунингдек, истиқлолнинг 25 йиллиги байрами арафасида Ватанимизнинг географик атласининг янги таҳрири нашрдан чиқди. Шу билан бир қаторда турли масштабда-

ги рақамли топографик хариталарни яратиш, тахеометрик, ер ости коммуникация иншоотларини тасвирга олиш ишлари бажарилмоқда. Ернинг сунъий йўлдош тизимларига асосланган замонавий навигация технологияларини қўллаб янги геодезик тармоқларни яратиш, республика ҳудуди бўйлаб I ва II тоифали нивелирлаш ишлари ҳамда UltraCAM-X русумли рақамли аэрокамераси ёрдамида ҳудудларнинг рақамли топографик хариталарини яратиш учун аэрофототасвир олиниб, географик объектлар номлари мувофиқлаштирилмоқда.

Аброр ҲОТАМОВ "Ўзгеодезкадастр" давлат кўмитаси бош мутахассиси

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Qishloq Qurilish Bank

ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК

банк ва мижоз манфаатига хизмат қилмоқда

Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари молия муассасаларнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Сурхондарё минтақавий филиали томонидан йўналтирилаётган кредитлар ҳам, энг аввало, аҳоли турмуш фаровонлигини, дастурхонларимиз тўқинлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқариш салмогини кучайтириш, касб-хунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.



зарур маъиш техника воситалари харид қилишлари учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш мақсадида 4 миллиард 262 миллион 300 минг сўм миқдорда ипотека кредитлари ҳамда 415 миллион сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун йўналтирилган сармоялар эса 6 миллиард 967 миллион 800 минг сўмни ташкил этади.

Шунингдек, касб-хунар коллежи битирувчиларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун 777 миллион 500 минг сўм, сервис хизматини янада ривожлантириш учун 21 миллиард 903 миллион 600 минг сўм миқдорда кредитлар йўналтирилди.

Анчадан буён хусусий корхона ташкил қилиб, ўз бизнесини йўлга қўйишни ният қилиб юрган дим, — дейди термизлик ёш тадбиркор Умид Султонов. — Корхона ташкил қилиб, бизнес лойиҳамни акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банк" вилоят бўлимига тақдим этдим. Лойиҳам банк томонидан қўллаб-қувватланди. Жорий йилнинг апрель ойида берилган 400 миллион сўмлик сармоя эвазига "Mig bistro" хусусий корхонаси орқали аҳолига сифатли овқатланиш хизмати кўрсатылди.

Бойсулик Иноятилло Абдуллаев нафақага чиққач, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга жазм этди.

Туманимизда акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банк"нинг минни-банки

Фарзандларим билан маслаҳатлашиб, Газа қишлоғида меҳмонхона бунёд этиш мақсадида бизнес режа ишлаб чиқдик. Аввалига банк томонидан ажратилган 72 миллион сўмлик кредит эвазига икки қаватли бинони тикладик. Қарзни белгиланган муддатда қайтарганимиздан сўнг банк раҳбарияти бизга ишониб, яна 144 миллион сўм кредит ажратишга қарор қилди, — дейди "Газа бунёдкори" хусусий корхонаси раҳбари Иноятилло Абдуллаев. — Ҳозирда бинонинг иккинчи қаватида меҳмонхона фаолият кўрсатыаяпти. Ошона, машғулот зали бор. Айни пайтда Фазлиддин Абдуллаев, Зулфия Болтаева каби мураббийлар 50 нафар қишлоқ ёшлари билан спорт машғулотлари олиб боришмоқда. Меҳмонхона атрофида замонавий мини-футбол майдончаси барпо этганмиз. Бу эса қишлоқ ёшларига ҳар жиҳатдан манзур бўлмоқда.

Дарҳақиқат, банк жамоаси хизмат сифати ва маданиятини оширишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Айни кунда фуқаролар банкка келмай туриб "Банк — мижоз", "Мобил-банкнинг", "Смс-банкнинг" тизимлари орқали ўз банк ҳисобварақалари бўйича молиявий жараёнларни белгиланган муддатда амалга ошириш имконига эга бўлишмоқда.

Мусурмон РЎЗИЕВ, "XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.



"АГРОБАНК":

КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА ЭЪТИБОР



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли иқтисодиётнинг барча соҳаларида салмоқли кўрсаткичларга эришилмоқда. Бундай ижобий ўзгаришлар жаҳоннинг етакчи молия муассасалари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Айниқса, қарийб ўн йилдан бери ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоизлик кўрсаткичдан тушмаётгани қувонарлидир. Жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган имкониятлар, банклар томонидан ажратилаётган бошланғич сармоялар салмогининг ортиб бораётгани бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Айниқса, иқтисодий ётиш барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, кўп тармоқли фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашда молия банк муассасаларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Акциядорлик тижорат "Агробанк"нинг Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси ва филиаллари томонидан хусусий мулк кўламини кенгайтириш, аҳолига турли йўналишдаги сервис хизматлари кўрсатиш, фермерлик ва тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаган ёш оилалар, касб-хунар коллежлари битирувчиларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Узоққа бормаёлик, жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига тадбиркор ва фермерларнинг бизнес лойиҳалари учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан қарийб 330 миллиард сўмга яқин кредит ажратилди. Шу ҳисобдан жойларда кўркам ва замонавий иншоотлар, янги хизмат кўрсатиш

марказлари, ишлаб чиқариш мажмуалари барпо этилди. Натижада аҳоли ўртасида бандлик даражаси ошиб, турмуш фаровонлиги юксалмоқда.

Бугунги фаровон ҳаётимизни банк муассасаларининг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди Бешариқ туманидаги "Beshariq savdo servis" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилбарой Мамадалиева. — Янги маъиш хизмат кўрсатиш корхонасини ташкил этиш мақсадида "Агробанк"га молиявий кўмак сўраб, мурожаат қилдик. Бизнес-лоиҳамиз маъқул келиб, банкнинг Бешариқ филиали томонидан бизга 105 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Шу ҳисобдан янги маъиш хизмат кўрсатиш марказини барпо этдик. Касб-хунар коллежини тугатган 5 нафар ёш, хунарли мутахассисларни ишга қабул қилдик. Айни пайтда туман аҳолисига сифатли хизмат кўрсатыаяпмиз.

Бундай миннатдорлик сўзларини бошқа мижозлардан ҳам эшитдик. Улар мазкур банк билан яқин ҳамкорлик қилиб,

адашганини алоҳида таъкидлашмоқда.

Мустақиллик туфайли биз каби мулкдорларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг йўл очилди, — дейди яқка тартибдаги тадбиркор Ойбек Мадалиев. — Юртимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити, соҳанинг давлат томонидан ҳуқуқий қафолатлангани истиқболли бизнес лойиҳаларни рўёбга чиқариш имконини бермоқда. Ўзимдан қиёс. Тадбиркорлигимни йўлга қўйиш учун пухта лойиҳа билан бирга молиявий кўмак ҳам зарур эди. Ишбилармонлик соҳасида яратилган қўлай шарт-шароитлар фаолиятимни самарали ташкил этишда жуда қўл келди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш мақсадида "Агробанк"нинг Қўштепа филиалига ўз бизнес лойиҳамни тақдим қилдим. Қонуний муддатда менга 17 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Бунинг эвазига фаолиятимни янада кенгайтириб, қўшимча 2 нафар иш ўрни яратдим. Банкнинг биз каби тадбиркорлар мурожаатига ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлаётганидан мамнунмиз. Туманимизда "Агробанк"нинг молиявий кўмаги орқали ўз бизнесини йўлга қўйган мен каби тадбиркорлар талайгина. Ажратилаётган кредитлар билан бирга хизмат сифати ҳам кўнчдан кўнча яхшиланмоқда.

Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли турмуш маданияти ва фаровонлигини оширишда банк сармоялари катта аҳамият касб этади. Икки томонлама ишончли ва манфаатли ҳамкорлик эса янгидан-янги ютуқларга замин яратади.

Зиёдулла МҮМИНОВ, "XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган

Тошкент шаҳар, Яшнабод тумани, М.Ашрафий кўчаси, 10-уйда жойлашган "БҲЮК" дўконини пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига кенг турдаги хизматлар кўрсатади.

Азиз ҳамюртлар! "БҲЮК" озиқ-овқат, хўжалик, канцелярия, тўқимачилик, кўнч ва колбаса маҳсулотларини арзон нархларга тавсия этади.

Харид қилишган маъмур пойтахт бўйича бепул етказиб берилади.

ЭЪЛОН

"БҲЮК" акцияларида қатнашинг ва совгаларга эга бўлинг.

Тел: 283-97-17 Мўлжал: Гуруч ("Рисовий") бозори

Пойтахтимизнинг Бектемир тумани Кичик халқа йўли устида жойлашган "Sherif Group Avto" МЧЖ Автомашиналарни ювиш мажмуаси ҳамда 75 ва 85 метр кв. замонавий талабларга жавоб берадиган биноларни узоқ муддатга ижарага берилишини маълум қилади!

Мурожаат учун телефонлар:
93/556-09-54, 90/976-83-30
факс: (0-371) 298-61-60
электрон манзил:
sherif-group-avto@mail.ru
Мўлжал: Бектемир тумани сановат зонаси.

Хизматлар лицензияланган

МОҲИЯТ

Жасорат ва матонат тимсоллари



«Давми. Бошланғич 1-санида»

Орадан кўп вақт ўтмади: 8 сентябрдан бошлаб яна Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бошланган XV Паралимпия ўйинлари кундалигида бизнинг матонатли спортчиларимиз кўлга киритган зафарлар ҳақида хушxabарлар эшитдик.

Муболагасиз айтиш мумкин, тарихий 12 кун ўзларининг қадрдон, сеvimли ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига Паралимпия ўйинларида куч-қувват, галабалар тилаб турган миллионлаб ўзбекистонликлар учун унутилмас воқеаларга бой кечди.

Эслик, биринчи куннинг ўзидаёқ 3 та олтин медалга сазовор бўлиш қўлланма рекорд эмасми? Енгил атлетикачимиз Нозимахон Қайумова эришган галаба шарафига давлатимиз маҳфияси янграганида меҳмонларни-ку қўяверинг, мезбонлар ҳам қанчалар суюниб олқиллашди. Негаки, найза улоқтириш баҳсида фаол иштирок этган Нозимахон 44,58 натижа кўрсатиб, жаҳон рекордини ўрнатди! Унинг асосий рақиблари ҳисобланган озарбайжонлик Ирода Алиева ҳамда австралиялик Наталия Эдер ҳар қанча уринишмасин, барибир ҳамюртимиз эришган натижага етишолмади.

Дзюдочиларимиз ҳақида эса ҳар қанча фахрга тўлиб сўзласак камлик қилади. XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон делегацияси бокс турида барча рақибларини ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллаган эди. Паралимпиячилар орасида эса Ўзбекистон делегацияси спортнинг дзюдо тури бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга муносиб деб топилди – 3 та олтин, 1 та кумуш, 6 та бронза.

Улар ўн марта юксак саҳнага таклиф этилди, демак, ўн марта Ватанимиз байроғи баланд ҳилпиради. Шу ўринда яна бир қизиқ ҳолатга эътибор берайлик: илк марта Паралимпия ўйинларида қатнашган ўн нафар спортчимизнинг ҳаммаси совриндор бўлишди!

Энг қувончлиси, терма жамоамиз аъзолари 8 та олтин, 6 та кумуш ва 17 та бронза медаллари билан умумий 31 та медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида 176 та давлат вакиллари орасида ме-



УА сураатлари

даллар сифати бўйича 16-ўринни, сони бўйича эса 13-ўринни эгаллашди. Бундай натижа узоқ ва яқин ўтмишда ҳам бўлмагани ҳақиқат. Тасаввур қилинг, 32 нафар иштирокчи билан иштирок этган Ўзбекистон терма жамоасининг 31 та медални кўлга киритиши кимнинг тушига кирган эди?!

Қуйидаги, эътироф этса арзийдиган ҳаётий далилларга эътибор беринг: бу спортчилар сонига нисбатан медаллар жамғариш борасида Ўзбекистон делегацияси 96,8 фоиз натижа кўрсатиб, XV Паралимпия ўйинларида энг яхши кўрсаткичга эга бўлди. Шунингдек, юртимиз паралимпиячилари Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи, МДҲда Украинадан сўнг иккинчи, Осиёда Хитой ва Эрондан сўнг учинчи ўринни эгаллашди.

Умуман олганда, бизнинг спортчиларимиз томонидан 6 та жаҳон, 7 та Паралимпия ўйинлари, 12 та Осиё рекорди ўрнатилди. Таъкидлаш кераки, шу вақтга қадар бирорта давлат вакиллари, яъни иштирокчилар сони ва кўлга киритилган медаллар натижаси бўйича бундай кўрсаткичга эришмаган.

Кун кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинлари голиб ва совриндорларини пул мукофот-**

лари билан тақдирлаш тўғрисида”ги Фармойиши эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш. Мирзиёев имзолаган Фармойишда паралимпиячиларимизнинг **“муносиб иштироки, жасорат, матонат ва мардлик намунасини кўрсатиб, юртимизнинг халқро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшганлиги”**га алоҳида урғу берилганлиги бежизмас.

Аслида Ватан, халқ ва миллат тимсолини белгилайдиган жиҳатлар дунёда кам. Лекин спортнинг бу борада етакчи кучга айланганлигини биз ўз олимпиядачи ва паралимпиячиларимиз мисолида кўриб, билиб туришимиз. Демак, қаерда-ки, инсон тақдирига муносабат азалий аънаёнларга мос тарзда шакланган, фуқароларнинг яшаш, ишлаш, таълим-тарбия олиши учун тинч, осойишта ҳаёт тарзи яратилган бўлса, шу ерда эртанги кунга ишонч ва рағбат мустаҳкам бўлади. Айнан ана шундай омилларга бизларни дунё миқёсидаги нуфузимизни янада оширишга хизмат қилаверади. Бу эса диёримизда спортга берилётган давлат сиваси даражасидаги эътиборнинг амалдаги намунасидир.

Ана шундай улкан ва тарихий галабалар билан ҳар қанча фахрлансак, гурулансак арзийди.

Норқобил ЖАЛИЛОВ

БИЛАМИЗМИ?

КўПИ ЗАРАР, КАМИ ФОЙДА



Узум азалдан, айниқса, нонуштада севиб ейилган. Қийин ҳазм бўлувчи мазкур мевадаги жуда кўп миқдордаги глюкоза ва фруктоза қонга тез сўрилиб, инсулин миқдорини оширади. Шунинг учун ҳам қандли диабет билан касалланган ва ортиқча вазнага эга кишилар уни умуман истеъмол қилмагани маъқул.

Узумнинг таркибида “А”, “С”, “В 6” витамини ва фоллий кислотаси, кальций, калий, темир, магний ва фосфор мавжуд. Ундаги камёб модда – флавоноидлар қарши ва эркин радикалларга қарши курашувчи жуда кучли антиоксидант ҳисобланади.

Одатда узумни кунига 10-15 дона истеъмол қилган маъқул. У, шунингдек, кучли аллергенлар қаторига кириди, ранги қанча тўқ бўлса аллергия чақириш хавфи шунча юқори бўлади.

Кўпчилик узумни еганда данагини ажратади. Аслида узум данакчалари “А”, “Е”, “К” витамини ва кўп миқдорда табиий ёлғар манбаи бўлиб, улар хужайраларни мустаҳкамлаб, инсонни ёшартиради. Шу боис диетологлар томонидан узумни уруғи ва пўсти билан истеъмол қилиш тавсия этилади.

Иштаха очувчи ушбу мева шарбати нафас сиқшида ёрдам беради, юрак мускулларини мустаҳкамлайди ва қондаги азот оксиди миқдорини ошириб, қон қуюлиши ва тромб ҳосил бўлишининг олдини олади, пешобни яхши ҳайдайди, буйрак ва ўт пуфағи фаолиятини яхшилайди.

Умида ХУДОЙНАЗАРОВА тайёрлади.

Кибриё ҚАҲҲОРОВА, адиба:

– ...Матбуот тилини қўздан кечирсак, тепа сочимиз тикка бўлади. Қайси бир нуноқ журналистнинг айби билан тилимизга “ноқратупрок” деган сўз кириб кетган эди, эндиликда қаерда дўппи тор келса “но”ни ишлатамиз-қўямиз. Қайси бир деҳқон “бизнинг ерлар ноқратупрок” деб гапирди. Мен аминманки, ҳаммаси “бизнинг ерлар бўз ер” дейди.

“Сунъий” деган сўз турган жойда “нотабий” деймиз. “Гайриқонуний”нинг ўрнига “ноқонуний” деб ишлатамиз. “Одобсиз”, “уятсиз”, “манманликка берилган” деган сўزلардан “нокамтарин”ни афзал кўрамиз. “Керак эмас” ўрнига “нокерак” деймиз.

“Ичкиликбозлик” деган атамани ишлатяймиз, бу ҳам мантқиқсиз. “Қартабоз”, “киморбоз”, “кафтарбоз” деган сўзлар бор, аммо “ичкиликбозлик” деган сўз йўқ. “Боз” сўзи “бозингар”, яъни ўйновчи деган сўздан келиб чиққан. Қарта ўйнаш мумкин, қимор ўйнаш мумкин, лекин ичкилик ўйнаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам “ичкиликбозлик” мутлақо нотўғри, бу сўз қўйма эмас, ясама.

Газеталаримиздан бири “Сиям эгизаклари”ни “башарадошлар” деб ёзпти. Узимизнинг ўзбек тилида “эгизаклар”, “Фотима-Зухра”, “Ҳасан-Ҳусан” деган сўзлар бор-ку!

Тожиқ халқи билан ўзбек халқи ён қўшни

бўлгани учун ҳам жуда кўп сўзлар муштарак бўлиб қолган. Масалан, “калқир”, аслида кафқир, яъни кўлик олинадиган, “оташқурак” – бу сўзнинг куракка сира алоқаси йўқ, “оташгирак” яъни ўт олинадиган, “дазмол” асли “дарзмол” дарз – чок, чокни босадиган, “чучвара” яъни “тўшбарра”, барранинг тўшидан қилинган таом. Тошкентликларнинг “махораси”ни олинг. Бу ҳам асли тожиқча “наҳорий” сўзидан олинган, яъни наҳорда

учрайди. “Упог” (дазмол) сўзи рус тилига ўзбекча ўт-луқ сўзидан ўтган. Қадимги туркий халқлар уни шу тарзда ишлатганлар. Тасофидни қарангки, ҳозир рус тилидан “упог” жуда мустаҳкам ўрин эгаллади, ўзбек тилига эса форсча-тожиқча дазмол сўзи сингиб кетди. Ёки “айва”, “қайва” сўзи туркий тилда бехини англатади. У шу шаклда рус тилига ўтди. Ўзбек тилига эса аксинча форсча-тожиқча “беҳи” сўзи қаттиқ ўзлашиб қолди.

Рус тилидаги “қарақаш” сўзини ҳозирги лугатларда “қалам” деб таржима қилиб ишлатамиз. Ҳолбуки, у ҳам ўз сўзимиз: “қора-тош”. Баъзи олимлар қалам-тош бўлиши мумкин дейишади. Ҳар икки ҳолда ҳам тилдаги галати ҳодисага дуч келамиз. Бундай мисоллар тиллар ўртасидаги жонли алоқалар ҳеч қандай чегара, тўсиқни тан олмаслигидан далолат беради.

Жуда кўп сўзларни маъносига тушунмасдан ишлатамиз. Деярли ҳамма таклифномаларда: “Лутфан сизни таклиф қиламиз” деб ёзамиз. Ахир, бу таклиф қилинган одамга нисбатан ҳақорат-ку! “Лутфан” деган сўз “асли сиз таклифга лойиқ эмассиз-у, аммо мен лутф қилиб сизни чақираялман” деган маънони англатади. Ёки “оҳанрабо” сўзини “оҳанграбо” деб ёзишади ва ашулачиларимиз ҳам бунини ҳузур қилиб айтади. “Оҳанрабо” ўзига тортадиган магнит, бу сўзнинг “оҳанграбо”га сира алоқаси йўқ. Асли “оҳанграбо” деган сўзнинг ўзи йўқ.

1989 йил

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ ёзиб олган.



тановул қилинадиган таом. Булар фақат кундалик ҳаётимизда учрайдиган сўзлар. Бугунги кунда энди “хамшаҳар”, “хамқишлоқ”, “хаммақтаб” ишлатсак, тилимизнинг бойлигига футур етказар эканми? Тасаввур қилинг, ҳозирги кунда юқорида қайд этилган сўзларни тилимиздан чиқариб ташласак, унинг ўрнига нимани ишлатамиз? Тил, умуман, халқ тили ҳисобидан бойиди. Масалан, халқ орасига жуда сингиб кетган пиёла, пул, симиё, устурлоб, фалсафа, қандил, қажнус, қўтос каби сўзлар аслида юнон тилидан ўзлашган. Бу ҳодиса тилимизнинг қадимийлиги, олис асрларда жаҳондаги жуда кўп халқлар билан яқин алоқда яшаганидан далолат беради.

Тилда баъзан жуда галати ҳодисалар ҳам



ҚУЙУОВ

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кун

“ШҮРТАНГАЗКИМЁ” мажмуаси жамоаси

Юртимиз ўқитувчи ва мураббийларини касб байрами билан табриклайди. Зиё улашиш йўлидаги машаққатли меҳнатларингиз роҳатини кўриб, шогирдлар ютуғи қувончи барчангизга насиб этсин!



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия аппарати ходими Илҳомжон Салиевга отаси **Закиржон Салиевнинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ОЗЛИДЕР
МУАССИС:
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

ASR
ЎТИМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Содиқжон ТУРДИЕВ	Қувондиқ САНАКУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ	Тулкин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ	Алхам ШОДМОНОВ
Абдумажид КАРИМОВ	Расул КУШЕРБАЕВ
Алишер ШАЙХОВ	Виктор ПАК
Икбол МИРЗО	Бегмат ОЧБИЛОВ

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта: xxi.asr@gmail.uz

Телефонлар: қабулхона – 215-63-80 (тел./факс). Котибият – 281-40-17 Реклама ва шартнома-лар бўлими – 215-60-45, 255-68-50

“XXI asr” ixtimoiy-siyosiy gazetasi Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда 10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
 Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
 Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
 Ҳамама – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 966 Тираж: 8290
 Баҳоиси келишилган нархда. Топширилди – 02:00

Тахририятга келган қўлмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр **Маъруфжон Раҳмонов** томонидан соҳилланди.

ISSN 2181-497X

9 772181 497007

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Нашрнинг муҳаррирлари: **А. МУЗАФФАРОВ, Ҳ. САДУЛОВ**